



Ishonch

2008-yil
20-noyabr
№141
(2554)
payshanba

Ijtimoiy-iqtisodiy gazeta * E-mail: ishonch-doverie@mail.ru * Gazeta 1991-yil 21-martdan chiqq boshlagan

Ракурс

Гапираверсанг бети қотади...

Дам олиш куни бўлганлиги учунми, бекатда одамлар кўп. Уларнинг аксарияти турли ташвишлар билан бозорга отланган. Ниҳоят, узоқ кутилган улов яқинлашиб қолди. Бекатдагилар бирин-кетин унга чиқдик. Энди юришга чоғланаётган машина орқасидан ёши 50-60 лардаги аёл югуриб кела бошлади. Жой қолмаган бўлса ҳам, шофёрнинг юриб кетишга кўнгли бўлмади кутиб туришга аҳд қилди. Аёл кела солиб, энг охири чиққан йўловчига ўшқириб кетди: «Мани уйимда меҳмон кутиб турибди. Тушасан, мандан кейин кетсанг, ҳеч нарса бўлмайди, санлар ёшсанлар...». «Дамас»дагиларнинг ҳаммаси бироз ўнғайсизланиб, ғалати ҳолга тушди. Чунки кекса кишининг дабдурустдан бундай ҳақоратомуз йўсинда, энг таажжублиси ўзининг ноҳақлигини била туриб гапираётган гаплари ҳаммани ҳайратга соларди. Аёл эса ҳозирги ёшларнинг «безбетлиги, бетгачопарлиги-ю ахлоқсизлиги, катталарни ҳурмат қилмай кўйганлиги»дан тинимсиз нолирди... Ниҳоят, эрталабдан кўнгилхиралikka дуч келган йўловчилардан бир нечтаси уловдан тушиб кетишди...

Бу воқеага унчалик эътибор бермадим. Орадан бир неча кун ўтгач, шунга ўхшаш ҳолат такрорланмаганда, бу ҳақда ҳеч нарса ёзмасмидим?


Эрталабки тиқилинч автобусда кетарканмиз, бир ёш йигитдан жой беришини сўраётган аёл эътиборимизни тортиди. Негадир йигит жуда ўнғайсизланар, туришга қанчалик ҳаракат қилмасин, буни уddenалай олмасди. Шу пайт чигта сотувчи аёлни кўлоғига нимадир деди-ю шовқин тингандек бўлди. Ҳайратдан кўзлари катта-катта очилган аёлни «Кечирасан, чўлоқлигингни билмаман» деган сўзлари бу шовқинни кўнгилларга кўчиргандек бўлди...

Автобусдан тушдим-у хаёлимга турли фикрлар кела бошлади. Чиндан ҳам ёшлар ахлоқсизми ёки?..

Жамоат жойларида бундай кўнгилсизликка кунора дуч келамиз. Ҳурмат талаб қилаётган, одоб ҳақида узундан узу-у-у-ун фалсафа сўқаётганларнинг аксарияти нега оғзининг чоки бир қадар бўшроқлардан иборат? Ёки ёшларнинг «тарбиясизлиги»га шу йўл билан барҳам бериш ихтиро қилингану биз беҳабар қолдикмикан?

Ҳақиқий ҳурматга ноил бўлганлар уни ҳеч қачон талаб қилишмайди. Зеро, у талаб қилинмайди, унга бор-йўғи муносиб бўлинади, холос. Танбеҳга чоғланган тилингиз даставвал ўзингизга шу саволни берсин: «Мен бунга ҳақлиманми?»

Дилдора РАҲМОНОВА



13-бет

Бобби шухрат қозонди, энди шухратини ўзини енгиб ўтиш керак. Оддий истеъдод соҳиби ҳам шухратга эришиши мумкин. Бироқ фақат даҳоларгина унинг шушовларидан халос бўла олади. Бу, аслини олданда, киши ўз ижодий қобилияти йўлидан боришини, ўз ишини қилишини — фақат ўзини бетақроф тарзда баҳса оладиган ишни қилиши кераклигини аниқлатади.

Анонс



4-бет



5-бет



11-бет



12-бет

Ўзбекистон Республикаси Президентининг
ФАРМОНИ

ИҚТИСОДИЁТ РЕАЛ СЕКТОРИ КОРХОНАЛАРИНИНГ МОЛИЯВИЙ
БАРҚАРОРЛИГИНИ ЯНАДА ОШИРИШ ЧОРА-ТАДБИРЛАРИ ТЎҒРИСИДА

Иқтисодиёт реал сектори корхоналарининг капиталлашув даражасини янада ошириш ва молиявий барқарорлигини мустаҳкамлаш, иқтисодий ночор корхоналарни молиявий соғломлаштириш ва бошқариш механизмларини такомиллаштириш, иқтисодиётни таркибий ўзгартириш, ишлаб чиқаришни модернизациялаш, техник ва технологик қайта жиҳозлаш жараёнига инвестицияларни, шу жумладан, тижорат банкларининг маблағларини кенг жалб этиш мақсадида:

1. Қуйидагилар белгилансин: 2009 йилнинг 1 январидан бошлаб янги ташкил этиладиган очик ва ёпиқ акциядорлик жамиятлари учун устав жамғармасининг энг кам миқдори жамият давлат томонидан рўйхатга олинган санада Ўзбекистон Республикаси Марказий банкнинг курси бўйича эквиваленти 400,0 минг АҚШ доллари тенг суммани ташкил этади;

фаолият юритаётган очик ва ёпиқ акциядорлик жамиятлари 2010 йилнинг 1 январигача ўзларининг устав жамғармалари миқдорини улар қайта рўйхатга олинган санада Ўзбекистон Республикаси Марказий банкнинг курси бўйича эквиваленти камида 400 минг АҚШ доллари тенг суммага етказишлари ёки хусусий мулкчилик шаклига ўтишни таъминлашлари шарт.

Ўзбекистон Республикаси Давлат мулки қўмитаси манфаатдор вазирликлар ва идора-

лар, Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоятлар ва Тошкент шаҳар ҳокимликлари билан биргаликда ўзларининг устав жамғармаларини мазкур Фармонда белгиланган миқдоргача кўпайтира олмайдиган акциядорлик жамиятлари ўртасида уларни бошқа ташкилий-ҳуқуқий шаклларда қайтадан ташкил этиш бўйича кенг тушунтириш ишларини олиб борсин.

2. Ўзбекистон Республикаси Монополиядан чиқариш, рақобат ва тadbиркорликни қўллаб-қувватлаш давлат қўмитаси, Ўзбекистон Республикаси Иқтисодиёт вазирлиги, Молия вазирлиги, Давлат мулки қўмитаси ҳамда Ўзбекистон Банклари уюшмасининг иқтисодий ночор корхоналарни молиявий соғломлаштириш механизмини такомиллаштириш тўғрисида қуйидагиларни назарда тутувчи таклифлари қабул қилинсин:

банкروت деб эълон қилинган ишлаб чиқариш корхоналарини аукцион ва танлов савдоларида тижорат банкларига мулк сифатида сотиш;

банклар томонидан банкروت корхоналарни молиявий соғломлаштириш ва қайта тиклаш, уларни техник ва технологик жиҳатдан модернизациялаш ҳамда қайтадан жиҳозлашни таъминлаш, ички ва ташқи бозорларда рақобатбардош маҳсулот ишлаб чиқаришни ташкил этиш бўйича инвестиция мажбуриятларини қабул қилиш;

кейинчалик корхоналарни стратегик инвесторларга бозор

қийматида сотиш.

3. Иқтисодий ночор корхоналарни тижорат банкларига сотиш бўйича Республика комиссияси (кейинги ўринларда Комиссия деб юритилади) иловага мувофиқ таркибда тузилсин:

Қуйидагилар Комиссиянинг асосий вазифалари ҳамда ваколатлари этиб белгилансин:

аукцион ва танлов савдоларида тижорат банкларига сотилиши лозим бўлган банкروت корхоналар рўйхатини аниқлаш;

банклар томонидан корхона қайта тиклаш, модернизациялаш, техник ва технологик қайта жиҳозлаш, ички ва ташқи бозорларда рақобатбардош маҳсулот ишлаб чиқаришни ташкил этишни таъминлаш мажбуриятини қабул қилиш шартини билан тижорат банкларига банкروت корхоналарни сотиш бўйича аукцион ҳамда танлов савдоларининг шартлари ва натижаларини тасдиқлаш;

банкروت корхоналарни тижорат банкларига сотиш бўйича аукцион савдолари ўтказилишини ташкил этиш, танлов савдоларида банкروت корхоналарни тижорат банкларига сотиш тўғрисида қарор қабул қилиш;

тижорат банклари томонидан қабул қилинган инвестиция мажбуриятлари бажарилиши, ушбу корхоналарнинг молиявий фаолияти соғломлаштирилиши ва кейинчалик уларнинг стратегик инвесторларга сотилиши устидан мониторинг натижаларини кўриб чиқиш;

тижорат банклари шартнома-

да назарда тутилган муддатларда инвестициялар киритиш ва корхонанинг ишлаб чиқариш фаолиятини қайта тиклаш бўйича қабул қилинган мажбуриятларини бажармаган тақдирда ушбу банк билан олди-сотди шартномасини бекор қилиш тўғрисида қарор қабул қилиш.

Ўзбекистон Республикаси Монополиядан чиқариш, рақобат ва тadbиркорликни қўллаб-қувватлаш давлат қўмитаси Комиссиянинг ишчи органи этиб белгилансин.

4. Вазирлар Маҳкамаси бир ой муддатда:

аукцион ва танлов савдоларида банкروت корхоналарни тижорат банкларига сотиш Тартибини;

иқтисодий ночор корхоналарни тижорат банкларига сотиш бўйича Республика комиссияси тўғрисидаги Низомни тасдиқласин.

5. Ўзбекистон Республикаси Марказий банки Ўзбекистон Банклари уюшмаси, тижорат банклари билан биргаликда бир ой муддатда:

сотиб олинган банкروت корхоналарда ишлаб чиқаришни модернизациялаш, техник ва технологик қайта жиҳозлаш бўйича инвестиция лойиҳаларини ишлаб чиқиш, экспертиза қилиш ва сотиш борасида тижорат банклари фаолиятини тако-

миллаштириш;

лойиҳаларни инвестициялаш, инвестициявий кредитларни бериш ва хизмат кўрсатиш масалалари билан шугулланувчи тижорат банкларининг таркибий бўлинмаларини юқори малакали мутахассислар билан тўлдириш бўйича комплекс чора-тадбирларни ишлаб чиқсин ва тасдиқласин.

6. Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Ўзбекистон иқтисодиётида хусусий секторнинг улуши ва аҳамиятини тубдан ошириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги 2003 йил 24 январда қабул қилинган ПФ-3202-сон Фармони 3-бандининг иккинчи, учинчи ва бешинчи хат-бошилари ўз кучини йўқотган, деб ҳисоблансин.

7. Ўзбекистон Республикаси Давлат мулки қўмитаси манфаатдор вазирликлар ва идоралар билан биргаликда бир ой муддатда қонун ҳужжатларига ушбу Фармондан келиб чиқадиغان ўзгартиш ва қўшимчалар тўғрисида Вазирлар Маҳкамасига таклифлар киритсин.

8. Мазкур Фармоннинг ижросини назорат қилиш Ўзбекистон Республикасининг Бош вазири Ш.М.Мирзиёев ва Ўзбекистон Республикаси Марказий банки раиси Ф.М.Муллажонов зиммасига юклансин.

Ўзбекистон Республикаси
Президенти

И.КАРИМОВ

Тошкент шаҳри,
2008 йил 18 ноябр

Эхтиром

«Сизга ҳавасим
келади»

Шундай инсонлар борки, уларнинг умр йўли, қилган эзгу ишлари кўпчиликка ибрат. **Фидойи олим Наим Каримов ана шундай заҳматкашлардан биридир. Адабиётга ҳавасим уйғонибдики, у кишига ҳавас қиламан. Айниқса, унинг қатагон қурбонлари ҳаётини ўрганиш борасидаги эзгу ишлари таҳсинга лойиқ. Оловқалб шоир Усмон Носир ҳақида ёзган мақолаларини кўзда ёш билан ўқиганман. Ойбек ҳақидаги қатор асарлари ҳам миллатимиз фидойиларига бўлган ҳурматини янада орттирган. Шу боис олимнинг ҳаёт йўлига жуда қизиқаман.**

Унинг отаси Фотиҳ Каримов, онаси Раҳбархон ая, амакиси Маҳмудали Юнусовлар адабиёт ва санъатни севган, маърифатпарвар зиёлилардан бўлишган. Уларнинг хонадонидида Ойбек, Фафур Фулом, Файратий каби машҳур шоир ва адиблар тез-тез тўпланиб, адабиёт, санъат ҳақида гурунглашишган. Олимда адабиётга қизиқиш шу зайл уйғонган бўлса ажабмас.

Наим Каримов адабиётшуносликка оид ўнлаб китоблар чиқариб, матбуотда 700 дан зиёд мақола эълон қилган. Матншунос сифатида Ойбекнинг 20, Фафур Фуломнинг 12, Ҳамид Олимжоннинг 10 жилдли асарлар тўпламини тайёрлаш ва нашр этишда қатнашган.

Фан арбоби, «Эл-юрт ҳурмати» ордени соҳиби Наим Каримов айни кунларда ҳам коммунистик қатагон туфайли ноҳақ ҳўрланган, қамалган, қатл этилган юртдошларимизнинг номини тиклаш, хотирасини абадийлаштириш борасида ибратли фаолият кўрсатмоқда.

Дилрабо ОБИДОВА,
ЎзДЖТУ халқаро журналистика факультетининг 2-курс талабаси

Шу сонга хабар

ҚАМАШИДА «ЁШЛАР
МАРКАЗИ»

«Ёшлар йили» Давлат дастури асосида «Қамолот» ёшлар ижтимоий ҳаракати туман бўлими қошида «Ёшлар маркази» ўз фаолиятини бошлади.

Ёшлар масканида «Уста-шогирд» аънанаси асосида уч ойлик бичиш-тиқиш курси ташкил этилиб, 10 та тикув машинаси ажратилди.

«Ёшлар маркази»да мусиқани ўрганиш ва ёш мусаввирлар тўғрақлари ҳам ишлаб турибди.

И.ИСОМИДДИНОВ

Фаолият

Маҳсулот тури
кўпаяди

«Марғилон бахмали» хусусий ишлаб чиқариш корхонаси маҳсулотлари сифатли ва бежирим бўлгани боис, харидорлар сони кўпаймоқда.

Корхонада салкам юз нафар хотин-қиз меҳнат қиляпти. Жорий йилнинг 9 ойида истеъмолчиларга 320486,5 минг сўмлик 5 хил рангдаги бахмал газламаси етказиб берилди.

— Тадбиркорларга ҳуқуқимиз томонидан яратилган имкониятлар, фаолиятимизнинг ҳар томонлама қўллаб-қувватланаётгани ишимиз ривожини таъминлаяпти, — дейди корхона раҳбари Абдулхай Ҳошимов.

Муҳаммадjon
МАХМУДОВ,
Марғилон шаҳри

Хабар

Ишсизлар
ишли бўлди

Республика ногиронлар жамияти Сирдарё вилояти бўлими томонидан ногиронларни ҳар томонлама қўллаб-қувватлаш, ишсизларни муқим иш билан таъминлаш борасида қатор тадбирлар амалга оширилмоқда. Яқинда Гулистон бизнес инкубаторига Японияда ишлаб чиқарилган энг сўнгги русумдаги 8 та «Ямазита» тикув машинаси ўрнатилди. Гулистон, Оқ олтин Мирзаобод туманлари ва Гулистон шаҳрида истиқомат қилувчи 20 нафар ишсиз аёл қисқа муддатли тикувчилик курсларига жалб этилди.

Аёллар бу ерда хотин-қизлар либослари, ўқувчилар формалари, кўрпа-тўшак тикиш сир-асрорларини пухта ўргандилар. Шунингдек, «Оила ҳамшираси» курси ҳам ташкил этилиб, 20 нафар қиз-жувон тиббий хизмат кўрсатиш малакасига эга бўлди. Энг муҳими, курсни битирган 10 нафар хотин-қиз бизнес инкубатор қошида ташкил этилган корхоналардан иш топди.

Анорбой НОРҚУЛОВ,
«Ishonch»нинг жамоатчи муҳбири

Саховат

Ҳомийлик
ёрдами

«Ўзбекистон темир йўллари» Давлат акциядорлик компанияси 3-4 йилдан буён Кумкўрғон, Сарийоё, Узун, Жаркўрғон, Олтинсой каби туманлардаги кам таъминланган оилаларга турли кўринишдаги ижтимоий ёрдам кўрсатиб келмоқда. Компаниянинг беминнат ёрдами билан воҳадаги Ал-Ҳаким ат-Термизий, Султон-Саодат, Имом Термизий қадамжолари ва бошқа зиёратгоҳлар ҳам таъмирланди.

Темирйўлчилар бу йил ҳам 1 миллиард сўмлик оталик ёрдами ажратишни режалаштирган. Ҳозирда маблағнинг бир қисми вилоят «Маҳалла» хайрия жамғармаси ҳисоб-рақамига ўтказиб берилди.

— Бу маблағлар, асосан, Ангор, Музабот, Қизирик, Шеробод, Бандихон туманларидаги 71 та умумтаълим мактаби ҳамда ушбу туманлардаги касб-хунар коллежларининг қишқи мавсумга тайёргарлиги учун сарфланади. Жумладан, синган ойналар, эшиклар, иситиш тизимлари қайта таъмирланади, — дейди жамғарма раиси Эркин Кўчкинов.

Рустам ДАВЛАТ,
«Ishonch» муҳбири



37-модда.
Ҳар бир шахс
меҳнат қилиш,
эркин касб танлаш,
адолатли меҳнат
шароитларида
ишлаш ва қонунда
кўрсатилган тартиб-
да ишсизликдан
ҳимояланиш
ҳуқуқига эгадир.

Ҳар бир ходим эътиборда

«Қашқадарё технологик транспорт» очик ҳиссадорлик жамияти автомобилларини олис Оролбўйидан тортиб, Фарғона водийсининг доволарида, Сурхондарёнинг тоғли йўлларида учратиш мумкин. «Ўзгеобурғунейтгаз» компаниясига қарашли экспедициялар, «Шўртан» унитар шўба корхонаси, пармалаш ишлари, минора қуриш ташкилотларига хизмат кўрсатаётган жамоада фидойи одамлар меҳнат қилишади.

Корхонада 650 дан ортик турли русумдаги транспорт воситалари мавжуд бўлиб, 831 нафар ишчи, ҳайдовчи, инженер-техник ходим ишлайди. Иш жойларининг батареяли бўлиши, саришта ва озодалик, техник меъёрларга амал қилиш доимий эътиборда.

Меҳнат муҳофазаси касаба уюшмаси фаолиятининг асосий йўналишларидан бири ҳисобланади. Мана уч йилдирки, аҳил жамоада бахтсиз ҳодисалар содир бўлмади. Бу иш берувчи ва касаба уюшма ташкилотининг меҳнат муҳофазаси, техника хавфсизлиги қоидаларига қатъий амал қилиниши устидан қаттиқ назорат ўрнатганлиги, жамоа шартномаларида кўзда тутилган вазифаларнинг изчиллик билан бажарилаётганлиги самарасидир.

— Тасарруфимизда 6 та автосарой ва бошқа ёрдамчи корхоналар бўлиб, 38 та ташкилотга хизмат кўрсатамиз, — дейди жамият раиси

Шодмон Қодиров. — Оғир юк ташийдиган КаМАЗ, Краз, Волва, Ураган, Зил каби автомобиллар чўл йўлларида кечаю-кундуз қатнайди. Бундан ташқари, ходимларни ишга олиб келиш ва уйларига етказиш умушлари ҳам бизнинг зиммамизда.

Корхонанинг иқтисодий салоҳияти ошиб бормоқда. Буни йил давомида 13 миллиард 200 миллион сўмлик иш бажариш режалаштирилганлигидан ҳам билса бўлади. Техникадан фойдаланиш, асраб-авайлаш ва таъмирлаш ишларига катта масъулият билан ёндашилганлиги туфайли самарадорлик кўтарилмоқда.

Ўтган даврда 7 миллиард сўмликдан зиёд хизмат кўрсатилиб, соф фойда 307 миллион сўмдан ошиб кетди.

— Одамлар тўғрисида ғамхўрлик биринчи даражали вазифамизга айланган, — дейди биз билан суҳбатда касаба уюшма қўмитасининг раиси Бекмурод Рўзиқулов. — Ҳар бир кишининг ўртача ойлик иш ҳақи 434 минг сўмга тўғри келаяпти.

Ўтган даврда ходимларни мукофотлаш ва моддий рағбатлантиришга 820 миллион, умумий овқатланишга 547 миллион, озиқ-овқат маҳсулотлари билан таъминлашга 91 миллион, дарслик ва ўқув қуроллари сотиб олишга 24 миллион сўм маблағ сарфланганлиги кўрсатилган ғамхўрликнинг ёрқин исботидир.

Ишчилар, инженер-техник ходимлар меҳнат муҳофазаси ва техника хавфсизлиги бўйича даврий йўриқномалардан ўтказилди. Бар-

ча автосаройларда замонавий андозаларга мос қурилган, ҳамма қулайликларга эга бўлган ювенил хоналари ишга туширилди. Кузги-қишки мавсумга пухта тайёргарлик кўриляпти. Чўлда жойлашган вагон уйчалар қўшимча жиҳозлар билан таъминланди. Ходимларга 21 миллион сўмлик махсус иш кийимлари ва пойабзаллар тарқатилди.

Ҳамма автосаройларда ҳайдовчилар ишга чиқиши олдида тиббий кўриклар ўтказилади. Йил давомида меҳнатни муҳофаза қилиш ва техника хавфсизлиги тадбирлари 54 миллион сўм маблағ сарфланган.

Ҳиссадорлик жамиятида Ўзбекистон ёқилғи-энергетика комплекси, кимё саноати ва геология ходимлари касаба уюшмаси Марказий кенгашининг вилоят вакиллиги ташаббуси билан меҳнатни муҳофаза қилиш ва техника хавфсизлигини таъминлаш бўйича ўқув-семинари ўтказилиб, илғор тажрибалар оммалаштирилмоқда.

Иш берувчи билан ижтимоий шерикчиликни кучайтириш ва унинг амалий ижросини таъминловчи жамоа шартномаси родини оширишга ҳам алоҳида аҳамият қаратилган. Ушбу ҳужжатга асосан кам таъминланган оилаларга жамият ҳисобидан 178 миллион сўм моддий ёрдам кўрсатилди. Ҳайдовчи Ҳамроқул Хўжақулов, Анвар Жўраев, чилангар Нажим Раҳматов, Олтибой Қобилов, ишчилар Абдурайим Қобилов, Раъно Убайдуллаеванинг ҳар бирига 100 минг сўмдан 200 минг сўмгача моддий ёрдам берилди.

Жамоа ривожига катта улуш қўшган йигирмадан зиёд меҳнат фахрийлари тез-тез йўқлаб турилади. Азим Ғафоров, Ҳотам Муҳаммадиев, Рустам Очилов каби байналмилалчи жангчиларнинг ҳар бирига уч ойлик иш ҳақи миқдоридан мукофот пули тарқатилди.

Кўп йиллардан бери машина рулини бошқариб келаётган Эркин Шаҳриёров, Холиёр Курбонов, Усмон Назиров, Анвар Мирзаев, транспорт воситаларини бенуқсон ишлашни таъминлашга муносиб ҳисса қўшаётган электр пайвандчи Акмал Ҳайдаров, чилангар Жума Васиев каби ишлаб чиқариш илғорларининг меҳнати тез-тез тақдирланаётганлиги бошқаларни ҳам ибрат олишга ундамоқда.

Кўмита аъзоларидан Анвар Ҳайдаров, Бахтиёр Равшанов, Отақул Бердиқулов, цех ташкилотлари раисларидан Икром Муродов, Мирзо Назаров, Нурхон Бозоров сингарилар меҳнатқашлар ижтимоий-иқтисодий ва ҳуқуқий манфаатларини ҳимоялаш, маданий-маърифий ва спорт тадбирларини ўтказиш, соғломлаштириш, қулай ва беҳавотир меҳнат шароитлари яратиб беришда жонқуярлик кўрсатмоқдалар.

— Касаба уюшма ташкилоти билан ҳамкорликда иш олиб бораёпмиз, — дейди меҳнатга ҳақ тўлаш бўлими бошлиғи Алёна Хан. — Иш берувчи ва касабакўмнинг қўшма йиғилишида маслаҳатлашиб, соф фойдани нимага, қайси мақсадларда йўналтиришни келишиб оламиз. Инсон омилига эътибор ошаётганлиги корхонамиз юксалишига асос бўлаяпти.

Иzzат ХИКМАТОВ,
«Ishonch» мухбири

Меҳнат муҳофазаси

Ижтимоий ҳимоя

Робия туман соғлиқни сақлаш бирлашмасида ҳамшира бўлиб хизмат қилади. Халоллиги, меҳнатсеварлиги, ширинсўханлиги билан ҳамкасблари ва беморлар меҳрини қозонган. Яқинда у андак кийнаиб қолди. Кўзининг оқу қораси бўлган ўғлининг тоби қочди. Робия ўйланиб қолди. Уйда иккинчи келин. Қайнона-қайнотаси нафақахўр. Шунда ҳамкасбларидан бири унга касаба қўмитасига мурожаат қилишни маслаҳат беради. Ташкилот раиси Робияни очик чеҳра билан қўтиб олди. Сўзларини кунт билан тинглади.

Бола кулса



— Сизга албатта моддий ёрдам ажратамиз, шу билан бирга зарур дори-дармонларнинг айримлари бепул берилади.

Фарзанд жондан азиз. Шу боис, унга қаратилган эътиборни ўзимизга қаратилганидан минг чандон кўпроқ ҳаяжон билан қабул қиламиз. Соғлиқни сақлаш ходимлари касаба уюшмаси Хоразм вилоят кенгаши томонидан аъзолар билан бир қаторда уларнинг фарзандлари ҳам ижтимоий-иқтисодий жиҳатдан муҳофаза қилинаётганлиги тармоқ ходимларининг қувончига қувонч қўшапти.

— Тақдир экан, қизим Комила болалиқдан ногирон, — дейди Гурлан туманидаги ҚВП ҳамшираси Сайёра Бобонова. — Шукурким, яқинларим кўмагида уни ҳеч кимдан кам қилмай тарбиялашга ҳаракат қиляпмиз. Бунда касаба уюшма ташкилотининг ҳам хизмати бор. Мана, яқинда қизим учун

моддий ёрдам ажратилди.

Умуман, туманда бу йил соҳа ходимларининг 16 нафар болалиқдан ногирон фарзандларига 320 минг сўм миқдорда кўмаклашилди.

Жива туман соғлиқни сақлаш бирлашмаси касаба уюшмаси томонидан эса 30 нафар кам таъминланган оила фарзандларига 360 минг сўмлик ўқув қуроллари олиб берилди. Қўшқўпир туман соғлиқни сақлаш ходимлари касаба уюшмасининг ҳиммати янада банд бўлди. 30 нафар кам таъминланган оиланинг 50дан зиёд фарзандларига 600 минг сўмлик ўқув қуроллари совға қилинди.

— Онам Ойпошшо Абдулаева марказий шифохона қабулхонасида кичик тиббиёт ходими бўлиб ишлайди, — дейди қўшқўпирлик ана шундай саховатдан баҳраманд бўлган Раис Рўзимов. — 1 сентябр куни ишхоналаридан менга берилган ўқув қуролларини кўриб жуда суюндим.


олам кулагичи

Улардан билимимни чарх-лашда, фанларни пухта ўрганишда самарали фойдаланишга ҳаракат қиламан.

«Автомобилчи» оромгоҳида мароқли дам олган Сирож Дамиров, Русланбек Панаевнинг ҳам қувончи чексиз. Улар эндиликда фанларни аъло баҳолашга ўзлаштиришга ҳаракат қилишяпти.

— Фарзанд кулса, олам кулади. Биз фарзандларимиз табассуми боқий бўлишини истаймиз. Бунинг учун бор имкониятларимизни ишга соламиз, — дейди соғлиқни сақлаш ходимлари касаба уюшмаси Хоразм вилоят кенгаши раиси Бектурди Маткаримов. — Йилнинг ўтган даврида кам таъминланган, кўп болали оилаларга, ногирон ёшларга,

ёрдамга муҳтож ёш оилаларга бир миллион олти юз минг сўмликдан зиёд моддий ёрдам кўрсатганимизнинг боиси ҳам улар фарзандларини бекаму кўст тарбиялашларига, жамиятда ўз мавқеларига эга бўлишларига улғимизни қўшишдир. Йилнинг биринчи ярмида 571 нафар аёлга 12 ёшгача 2 ва ундан ортик боласи ёки 16 ёшгача ногирон боласи борлиги учун 3 кун ҳақ тўланадиган қўшимча таътилар берилди. Бу мақсад учун 57 миллион 450 минг сўмдан зиёд маблағ сарфланди. 328 нафар кўп болали аёлларнинг ойлик маоши сақланган ҳолда иш ҳафтаси бир соатга қисқартирилиб, бу тадбир учун саккиз миллион сўмга яқин маблағ аж-




39-модда.
Ҳар ким қариганда,
меҳнат лаёқатини йўқотганда,
шунингдек боқувчисидан маҳрум бўлганда
ва қонунда назарда тутилган бошқа ҳолларда
ижтимоий таъминот олиш ҳуқуқига эга.

ратилди. Буни ҳам оналар фарзандлари тарбиясига етарли вақт ажрата олишлари, уларни бекаму кўст тарбиялашлари учун қиляпмиз. Бундай тадбирлар мунтазам давом эттирилади. Соҳа ходимлари қатори уларнинг оила аъзолари, хусусан фарзандлари доим эътиборимизда.

Муҳаббат ТўРАБОЕВА,
«Ishonch» мухбири



40-модда.
Ҳар бир инсон малакали тиббий хизматдан фойдаланиш ҳуқуқига эга.



Ривоятга таянсақ, жамики махлуқот Парвардигорга қарата: «Нега биримизни оловдан, биримизни нурдан яратиб, алаоқибат тубан гилдан бино бўлмиш Одамзотни баримиздан улуг қўйдинг?», — дея исён байрогини кўтарганида Ўзидан шундай садо келган экан: «Одамга исми илми аён бўлди!».

Ха, рубъи маскун ичра неки мавжуд бўлса, уларнинг барча-барчасини Одамзот номлади. Бу ном (шакл) эса уларнинг ўз исми (моҳияти)дан келиб чиқди. Масалан, кўнгилга хуш ёқувчи масканни хароба ёки зулмат деб эмас, балки айнан обод деймиз: обод — «сув етиб келган жой» дегани (қибслаш учун «навбат» — «янги етиб келган жой»...). Бу ўзгармас тушунчага айланган. Аслида ҳам исм — қисмат: уни на танлаб ва на ўзгартириб бўлади.

Асрлар ўтиши билан Одам қавмининг тасаввури ҳам ўзгариб борди. Айрим тушунчалар бир поғона юқори кўйилиб, илоҳийлаштирилди. Бошқача айтганда, Бани башар ўзига ўзи чегара белгилаб, илоҳий тушунчани босиб ўтишни муқаррар ҳалокат санади: табу уфққа эврилди. Яъни, тор маънода одам ўзига зарар етказиши мумкин деб ҳисоблаган жонзотлар (ташқи кучлар) исмини айтишдан сакланди: чаён — «беном», илон — «арғамчи», бўри — «жондор»... бўлди. Кенг маънода эса Одамзот идрокига сиймайдиган борлиқни билишдан ҳам чўчиб, ҳам айни пайтда унга қизиқиб яшади. Шу асно воқеанинг тасавурида маълум шакл танлаши туфайли санъатга илк қадам қўйилди: метафора яралди. Қолаверса, одам тушунчалар орасидаги масофани англагач, турмуш тарзига мазмун инди: илоҳиёт булоғи кўз очди. Бироқ таъқиқ қоғозини очиб кўришга бўлган ўчлик Одамзотга қон билан кирган экан: авлодлар алмашган сари илоҳий тушунчаларга ҳам заҳа етди. Табу пардаси йиртилгач эса... Одам йўли туманзорга эврилиб, Қибла ўз аломатини бой берди.

Тўғри, инкор — янгилик дояси. Ўзга соҳилга йўл олиш учун бу қирғоқни рад этиш лозим. «Инсон аввалда ўзини сақлаш учун азизлаганларини нарсаларга қўйди — у аввалда нарсаларга маъно бахш этди, инсоний маъно! Шунинг учун у ўзини «Инсон» деб атади, яъники «Баҳо берувчи».

Баҳолаш — яратиш демак! Баҳолаш — барча баҳоланган нарсаларнинг жавоҳир ва биллурларидир.

Баҳолашдан биринчи бора қиммат келиб чиқди ва баҳолаш бўлмаса, борлиқнинг ёнгоғи пуч бўлиб чиқарди.

Дарахтнинг ўққалдидази

Қадрларнинг ўзгариши — яратувчиларнинг ўзгариши. Бунёд қилиши керак бўлган зот доимий суратда барбод қилиб боради...», — дейди Фридрих Нитше. Дарҳақиқат, нимагадир эришмоқ учун недандир воз кечиш лозим, бироқ зинапоёни юксалтириш учун эскиларини бузиш шарт эмас. Шунчаки, мавжуд баландликдан бир қарич ортигига интилиш керак, холос. Бинобарин, янги зинапоё эскилари устига бунёд этилгани сингари қадриятлар ҳам авлодларнинг ўзидан келиб чиққан ҳолда янги либос кийиб бораверади.

Сезгандирсиз, кейинги йилларда матбуотимизда ўзлик тушунчаси ёмғирдан кейинги кўзиқориндай роса болалади. Бу, бир томондан, авлоднинг ўз асоси (моҳияти, жавҳари, субстанцияси)ни излаётганини аңлатса, иккинчи томондан тушунча дарахтнинг муқаддас ўқилди-зига болта урилаётганини ҳам билдирарди. Эшакка гул ҳада этиш қанчалар бемаъни ва кулгили бўлса, илоҳий тушунчанинг «юк»и энгил жиҳатларга ҳам нисбат берилавериши худди шундай асабни эғовлайди. Асли қисир эчки кўп маърагани сингари одам ҳам баъзан ўзи англаб етмаган жиҳатлар ҳақида бетиним сўзлаётганда, шекилли. Ахир, киши **БАРЧАСИ**ни англаб етар экан, уни тилга чиқаришга унча ҳам эҳтиёж сезмас керак: Сўз залвори тилини тушовалайди.

Бир-икки йил бурун хусусий радиоканалларнинг бирида хизмат қилувчи ва анчайин билимдону жиддий кўринувчи бошловчилардан бири эфирда шундай деганди: «Одам ўзини англаб етмасдан ўзгани тушуна олмайди. Ҳаммасимиз ...хон бошқаларга қараганда ўзини кўпроқ англаб етган (?). Биз, албатта, бу билан ...хонни табриқлаймиз (??). Ҳозир ҳаво мавжлари орқали жаранг сочадиган ушбу кўшиқ ...хонга ва шу қатори барча ўзини англаб етганларга бағишланади (???)».

Муқаддас тушунча устидан бундан ортиқ майнавозчилик билан кулиш бўлмаса керак.

Бу ҳам майли, шу кунларда телеэкрандаги галати реклама роликлари қаторига яна бир ажабтовури қўшилган: пиво тўла бокал тумшугингиз тагига тирга-

лади: «Балтика» — сенинг ўзлинг!».

Тан олиш керакки, ушбу роликнинг русча матнида озгина бўлса-да мантқиқ уруғи кўзга ташланади: «Балтика» — твоя стихия!». Эҳтимол, одамзот кўп асрлардан буён май ичиб келганлиги учун ҳам у бир бўлагимизга айланиб улгургандир. Аммо бу — алкоғолли ичимлик одамзот асоси, уни ҳаракатлантирувчи куч деган маънони аңлатмайди. Шу матни экранга чиқарганларни билмадим, ҳарҳолда менинг жавҳарим аллақандай арга суви эмас. Қизиқ... Ўз сўзларимиз билан оримизга тегишса-ю, бирорта мутасадди идора бунга жавобан ҳеч нарса демаса... на куларингизни ва на куярингизни биласиз-ай...

Қолаверса...

Бир адабиётшунос «етмишинчи йилларда кўп шоирлар мажнунтол остида йиғлаб ўтиргич эди» деганидек, мустақиллик

...Этагингни ўпиб, тўлдим, тўлғондим, Хор эдим, бир тунда гулга айландим. Қадр кечасида сени дўст тутиб, Ўлимдан уйғондим, Йўқдан уйғондим. Мен эдим, бир тунда Сенга айландим...
Эшқобил Шукур

деб мақташганди. Дам олиш мақсадида кинозалга кирдим, филм тугагач... ҳаммасидан — кинодан ҳам, томошабинлардан ҳам, ҳамроҳлардан ҳам, ўзимдан ҳам... ҳафсалам пир бўлди: бадий филм менга сунъийдек туюлди. Ушанда кўнглимдан бадан ва либос уйғун бўлганда чирой тугилгани учун ҳам масҳарабознинг кўроқ иштони ҳамма вақт тева-рақда кулгу уйғотади деган фикр ўтди. Бу ҳам камдек қайсидир картинада Шабнам эҳтирос билан «бегим» деганди, олдимда ўтирган иккита қиз оломонга қўшилиб ҳиринглаб кулди, ёнимдагиси эса «вой, йўқол, исқирт» дея қаҳрамонни ёзғирди. Чамаси, у ҳам на самимиятга ва на севигига ишонади. Албатта, бу учун на у қиз ва на ўша тушунчалар айбдор. Бироқ филм тугаб, чироқ ёқилгач, анча-мунча томошабин кўзида ёш кўрдиму... ўйлаб қолдим: нега доим мен ҳақ бўлишим керак, балки бу филмни кўришга ҳали тайёр бўлмай туриб, кинозалга келгандирман...

Шундан сўнг... «Шабнам»ни яна бир марта ва ёлғиз кўришни ният қилдим.

луб» ва «Ғолиб» тушунчаларининг ўзаги бир: бутунлашиш янада увадаланишни талаб қилади.

Жисм ва Руҳ кураши — мангу муҳораба. Бадан эҳтиёжининг қондирилиши руҳга шикаст етказиши, аксинча, Руҳ ҳаловатига эришиш учун танани азоблаш лозим.

Орсизликдан кўра ўлимни афзал кўриш — виждон тирикликдан нишона. Лекин кўчага чиқасизу... тирикчилик учун ҳар нимага тайёр кишилар сафининг охирини кўрмайсиз: тирикчилик тирикликка қўланка солмоқда...

«...«Бутламоқ» калимаси бутта айланар, сизнинг ўтирар кеча-ю кундуз унга бир этак бола қорин сизингизни эсдан чиқариб. Эҳтиёж маъбудга айланар секин, оммалашиб борар халқнинг ичиди, эҳтиёжга бўйсуниб ашар раият...»
(Фарҳиб, «Ҳаво манзаралари»)

Одамнинг ордан бошқа яна арзирли нимаси бор?! Агар нон шавънинг бой берилиши эвазига келадиган бўлса, оқдан ўлган афзалроқ. Ойлалилар буни рўзгор ташвиши билан изоҳлашди. Тўғри, йўлбарс ҳам кийик ҳаётига тажовуз қилиб, болаларини тўйдирди. Аммо одамга ундан фарқи равишда ақл, виждон, кўнгил... берилган-ку! Ота орсизлиги туфайли келган таомни еб улғайган бола эртага ким бўлиши мумкин? Фақат кичкина одам!.. Улуғ Миллат эса...

йиллари ҳам ёшлар орасида «илгари ўзлимиздан айришганди» жумласи юқумли касалликдай кенг тарқалди: шу гап билан ўзини ватанларвардай кўрсатиб, шуҳратга интилиш кучайди.

Келинг, шошилмай бир бошидан бошлайлик: ўзлик — одамзот асоси экан, демакки, у Азал ва Абадга дахлдор тушунча. Банда (Томчи)ни Парвардигор (Денгиз)га айнан ўзлик (жавҳар, асос) боғлаб турадики, шу боис ҳам Улуғ Тангри ва Банда ҳеч қачон айро-айро тушмайди: узоқлашиши ёхуд яқинлашиши мумкин, бироқ улар мутлақ алоҳида-алоҳида яшай олмайдилар: қисмсиз бутун ҳам, бутунсиз қисм ҳам маънога эга эмас. Шундан келиб чиққан ҳолда миллийлик Ўзликнинг муҳим бўғини (зинапоёси) дейишга журъат қиламиз. У авлодлар алмашган сайин ўз шаклини ўзгартириб бораверади. Айттайлик, кеча оловга сизинганларнинг бугунги авлоди «нега шавъ ёқамиз, ахир у динимизга зидку!» дея тўполон қилиб юрибдики, бу жуда ҳам табиий ҳолдир. Одамнинг ўзлигидан жудо бўлишига ишониб қийин, фақат у янги шакл (либос) олиши мумкин, холос. Қайсидир авлод аждоди илоҳий деб билган қадриятни қабул қила олмас экан, демак, бу унинг Ўзига мувофиқ эмас. Қавмдошларимиз учун эса эркинлик ҳаммаша муҳим омил саналади. Бирор-бир нарса (буом, ҳолат, тушунча) эркинликка дахл қилгандагина инкор этилади. Ёки аксинча, ҳаловатга элтажак нарсага интилиш бўлади.

Менинг фожиам мени янгилайди, миллат фожиаси эса миллатни. Мен эъозлаган тушунчага кимдир дахл қилса, бу — мен ечишим керак бўлган тугун. Бироқ башарият азалдан буён ўзидан бир поғона юқори кўйиб келган тушунчаларга дахл қилиниши яна ўша... гулзорга оралаган эшакни ёдга солади.

Сўзнинг уволидан кўрқиб керак...
У Яқинда кинога тушдик: «Шабнам»га. Уч-тўрт яқинлар «муҳаббат ҳақида оригинал кино бўлган»

Эрнст Хемингуэйнинг «Fiesta»сини эсланг: бой берилган авлод. Улар кўнглини ва мазмунни ютқазмишган, жамият эса бир авлодни бой берган эди. Ўша асарда бир сюжет бор: ярим кечаги буйдоқ эркак билан боши очик аёл вино ичиб ўтиришади. Иккаласи ҳам барчасидан — тонгда мажбуран кўз очишдан, кундузи фабрикада нон учун елиб-югуришдан, умуман, қадам босишдан чарчашган: ҳеч нарсага ишонимайди. Шунда йигитнинг ҳирси кўзиб, аёлга: «Қара, қандай ажойиб тун, гўё иккимиз учун яратилгандек...», — деб гап бошлади. Аёл эса бармоқларини унинг лабига маҳкам босиб, «ўчир овозингни!» дейди-ю, ўзини жонҳолатда Йигитнинг кўчоғига отади.

Ха, пул ва маънисизлик ҳукмрон жамиятда муқаддас тушунчалар чекиниб, туйғулар сараланиб, кўнгли чарчланади. Одам ҳар қандай вазиятда ҳам илоҳий тушунчаларини сақлаб қола биладими, ўзини юксақ рутбаларга кўтара оладими, зерикш — афсурдахоллик — бемаънилик чакалзорларидан ўта биладими... ҳамма гап шунда. Ваҳоланки, бизни аросат кўпригидан олиб ўтажак танлаш имконияти махлуқотлар ичиди фақат одамгагина берилган.

Дини исломнинг улуг билимдонларидан бири имом Бухорий шундай ёзган экан: «Мен бир минг саксонга муҳаддиддан ҳадис тингладим. Уларнинг барчалари «Йимон — сўз ва амалдан иборат» деган эътиқоддаги кишилар эдилар».

Баҳсга ҳоҷат йўқ: одам ё айтганини қила олиши керак ёки уни тилига чиқармаслиги лозим. «Кўнгил озодадур...»даги бова чин айтиди: «Одамнинг фақат лафзи ҳалол. Агар шу ҳам булғонса... нимаси қолади унинг?».

Лойка ва тезоқар сувдек шиддатли жамиятдаги аксарият муносабатлар эса, биринчи навбатда, росттўйлик зарба беришга уринади: бу курашда ҳеч қандай қондан тан олмайдиган кишигина ютиб чиқади. Бироқ «мағ-

майда одамлардан яралмайди. Аслида, ор тушунчаси ҳам ўта нисбий. Масалан, тиланчилик қилиш қимларнингдир наздида пасткашлик, лўли қавми учун эса у қадриятдир. Барбир, барчаси қандай қабул қилишдан келиб чиқса керак. Яхшиси, бир воқеани айттай...

Бир полвон акамиз бўларди: курашларда бир мард эди-ай, ҳаммамиз унга ҳавас қилардик. Шу одам яқинда ўғлининг суннат тўйи учун уч-тўрт сўм ишлаб келиш мақсадида Россияга бориб, мардикорлик қилибди. Қишлоққа борганимда уни кўриб, таный олмадим: на ўтқир нигоҳлар бор, на кесиб гапиришлар, на доим уни тик тутиб турувчи «мен»... Ароққа ружу қўйган, сержаҳл. Ундан ҳеч нарса сўраганим йўқ, менга ҳам ҳеч нима демади, бироқ... барчасини тушундим: рўзгор ташвиши орини босганига чидолмаяпти. Аминман, энди қанчалар дабдабали тўй қилмасин, ҳеч қайси татимайди. Чунки... у бошқача яшолмас эди.

«Одам — кўниқувчан жонзот» дейсизми?

Ким билсин, балки ҳақдирсиз.

Одам дарахтнинг ўқилди-зига нима?

Бу саволга бир сўз билан жавоб айтиш мушкул. У — ор-номус, виждон, иймон... ва яна аллақанча қандек оппоқ тушунчалар бўлиши мумкин. Бироқ бир ҳақиқат ўз жойида собит: уларнинг барча-барчасини **ЎЗ олдидаги поклик** биллаштириб туради.

Шундай. Одам фақат Ўзини алдай олмайди. ЎЗ Кўзгумизга тик боқишни... Ўзимиз олдида жавоб беришни... китобий формаларсиз ЎЗ Ҳаловати(миз)га етишни... ўрганмас эканмиз, Манзил тобора олислашиб, Йўл шунчалар туманлашиб, Қадам ташлаш лаҳза сайин оғирлашиб бораверади. Зотан, ЎЗ Дарахтининг ўқилди-зигадаги ўзшира Ҳаёт ва Ўлим тугунлари оралиғида айланади.

Умид ЯҲҚУБОВ

Сейзер хоним Доусонда уфқ юлдузи мисол фавкулотда пайдо бўлди. У канадалик француз йўлбошловчилари билан итлар кўшилган чанада келганда Доусонда баҳор эди. Доусонликлар Сейзер хонимни қувонч билан кутиб олишди. Хоним гоят бокира, дилбар ва... бева эди. Шу сабабли маҳаллий мансабдорлар, аёл кўйлагининг шитирлашини ёқтирувчи эркаклар Сейзер хонимга ошиқ бўлиб қолдилар. Хоним Доусонда бир ойча юлдуздай порлаб турди-ю музлар эригач, дарё ёқалаб юқорига чиқиб кетди. Аёл зоти танқис Доусон одамлари хонимнинг фавкулотда келиб-кетишидан ажабланиб, Номеда чечак касали тарқалгунча гапириб юрдилар.

ЖЕК ЛОНДОН



Хикоя

Тоғ инженерлари эса хонимнинг жұфти ҳалоли — марҳум полковник Сейзерни эҳтиром билан ёдга олдилар. Кон санаоти бўйича Американинг кўзга кўринарли мутахасссларидан бири, Англия санаотида эса янада катта шўҳрат эгаси бўлмиш полковник Сейзер амалга оширган ишларни ҳурмат билан эсладилар. Ажаб, фаний олам аёлларидан нега энди полковник Сейзернинг беваси бу юртларга келиб қолди? Бу — буюк сир эди. Ана, хоним кетди. Сир эса сирлигича қолди.

Кунларнинг бирида юз берган воқеа бу сирнинг тугунини топгандай бўлди. Сейзер хонимнинг сўнгги фидойи гумашталаридан бири, агар хоним хоҳласа, юрагини ва Бонанздаги эллик футлик ҳовлисини унинг оёқлари остига қўювчи Жек Кофрэн тунда улфатлари билан майхоналарда тентираб, бир кимса билан тўқнашиб қолди. Бу — Сейзер хонимнинг йўлбошловчиси Пер Фонтэн эди. Шундай қоп-қора зимистонда, тагин шу даражада маст бўла туриб бир-бирларини таний олганлари учун икковиям ўзларича қойил қолиб, яна ичдилар.

— Нима-нима? — мингиллади Пер Фонтэн азондаёқ, — Сейзер хоним нега буюқларга келиб қолди дейсизми? Ўзидан сўранг, мен билмайман. Билмайман дедимми, билмайман. Фақат шуни билманки, хоним қандайдир бир одамни сўради. «Пер, — деди, — сиз менга уни топиб беринг, эвазига истаганингизча, минг доллар бераман. Фақат менга уни топиб беринг, Пер», — деди... Хоним излаётган одам ким дейсизми? А? Ҳа у... Исми нимаиди... Ҳа, ҳа, исми Дэвид Пэйн, ҳа, жаноблари, Дэвид Пэйн. Шу исм хонимнинг оғзидан тушмайдди. Мен бечора эртадан кечгача итдай уёққа югураман, буюққа югураман, ланнати ўша Дэвид деганни тополмайман-да. Оқибат, кўриб турибсиз, хоним ваъда қилган минг долларнинг жамолини кўролмаяман. Лаббай? Ҳа-ҳа, ўша сиз айтган Серклидан одамлар келган эди, улар Дэвид Пэйн Қайинзор сойда дейишди. Хоним нима деди? Ҳа, хонимми: «Гўзал!», — деб чанага ўтирди. Сўнг нима деди денг. «Пер, тезда итларни кўшинг, ҳозирок жўнаймиз. Уни топсак, сизга икки юз доллар бераман», — деди. Мен нима дедим? Айтдимки: «Ҳа-ҳа, ҳозирок жўнаймиз. Кетдик, хоним», — дедим.

Узимча ўйлаб кетаяпман денг: «Хў-ўш, икки юз доллар ҳамёнда деган гап. Эҳ-ҳе, қандингни ур, Пер». Шунда Серклидан яна қандайдир бир одам келиб:

«Дэ-вид Пэйн де-ган киши яқинда Доусонга жўнаб кетди», — деб қолса бўладими. Хуллас денг, бормадик. Ҳа, шунақа, жаноблари. Шунда хоним менга беш юз доллар берди. «Пер, бунга қайиқ сотиб олинг. Эртага қайиқларда юқорига сузиб кетамиз», — деди. Мен нима дедим? Нимаям дердим. «Хўп бўлади, хоним, эртага юқорига сузиб кетамиз», — дедим-да. Кейин Ситки Чарли деган кимса арзумаган қайиғи учун беш юз долларимни шилиб олди, ланнати.

Жек Кофрэн Пердан эшитганларини сир сақлай олмай, одамларга айтди. Оқибатда бутун Доусон халқи бу сирдан воқиф бўлди. Доусонликлар Дэвид Пэйн ким, Сейзер хонимга қандай яқинлиги бор — шу ҳақда гапириб юрдилар. Пер айтгандай, Сейзер хоним шу кун канадалик йўлбошловчилари билан шарқий қирғоқ бўйлаб Клондайк-Ситига сузиб кетди.

— Ҳа-ҳа, хоним, бу ўша жойининг ўзгинаси. Манави биринчи, иккинчи оролар, анави Споарт дарёси, манави эса учинчи орол.

Пер Фонтэн шундай дея қайиғининг иллагини қирғоққа тираб, оқимга тескари қилиб кўйди. Қайиқ тумшуги билан қирғоқдаги қоя тошга урилди. Йўлбошловчилардан бири эпчиллик билан қирғоққа сакраб тушиб, қайиқни тангиб боғлади.

— Бирпасгина сабр қилинг, хоним, бирпасгина, мен мана шундай бир қараб келай-чи.

Пер Фонтэн қоялар орасига ўтиб кетди. Кўп ўтмай у тарафдан итларнинг ҳуриши эшитилди. Пер дарров қайтиб келди.

— Ҳа-ҳа, хоним, айтдим-ку у шу ерда деб. Кулбасида йўқ экан, аммо узоққа кетмаган, ҳатто итиниям олиб кетмабди, тез қайтса керак.

— Пер, ёрдам бер, тушай. Бу қайиғинг ўлгур мени адо қилди. Наҳотки дурустроқ жой қилолмайсан-а?

Сейзер хоним мўйна тўшалган ўриндикдан туриб, қайиқ ўртасида ўзининг хилча қоматини кўз-кўз этиб керишди. Теваракча нафис назар ташлади-да, бақувват қўлини Пернинг қўлига қўйиб, қайиқ-

дан сакраб тушди. Дадил қадамлар билан ёнбағир бўйлаб қояга чиқа бошлади. Хушбичим, зебо қоматли Сейзер хоним камданкам аёлга насиб этмиш чайир ирода ва ғайрат соҳиби эди...

У қояга осонгина чиққан бўлса-да, ҳар қалай юзларида тер йилтиради ва юраги одатдагидан тез ура бошлади. Латиф кайфият билан кулбага етиб келганда юзларидаги тер янада тиникроқ йилтирарди.

— Бунга қаранг, хоним, — деди Пер сочилиб ётган пайраҳаларга ишора қилиб. — Утинлар янги, чамаси икки ёки уч кун олдин ёрилган.

Сейзер хоним бош ирғаб, ойнадан ичкарига қаради. Ойнага ёглаб ёпиштирилган қоғоз нурни ўтказувчан даражада юпка бўлса-да, ҳеч нимани кўролмади. Эшик тамбасини олиб қўйиб, ичкари қирмоқчи бўлди-ю, яна ниманидир ўйлаб, аросатда қолди. Сўнг чўккалаб... остонани ўгди. Шу пайт Пер шундай кичқириб фармон бердики, хотиржамгина трубкасини тортаётган эшакчилар сесканиб кетишди.

— Эй, Легуар! Ўриндикни мулойимроқ қил, айиқ терисидан кўпроқ тўша, эшитаяпсанми? Кўрпадан ҳам, ланнати!

Аммо кўп ўтмай чайлани бузиб, мўйна ва кўрпаларни юқорига олиб чиқдилар. Сейзер хоним янги ўриндикка бемалол ўтириб, тирсаги билан ёнбошлаганча олис-олисларга чўзилиб кетган Юкон тоғи тизмаларини томоша қилди. Юксакларга чўзилган ҳайбатли қоялар ва фалакни ўрмоннинг қаеридандир йиғирлаётган тутунлар қоплаб олган, қуёш нурлари заминни хира ёритар, тутунларнинг омонат соялари тобора сўниб бормоқда эди... Уфқ этагига чўзилган кўм-кўк арчалар, тутунлар соясида қорайиб кўри-наётган қоялар, сувлар, эгри-бугри музликлар, бепоён борлиқ сирли сукунат оғушида эди... Сейзер

хоним сокин

олам сеҳридан анчагача ўзига келолмай, дарёнинг гоҳ қуйисига, гоҳ юқорисига, қирғоқларга тикилиб, қўйиладиган жойни қидирди. Бирор соатлар ўтгач, Пер қирғоқда тунашга чайлаб қуриш учун эшакчиларга фармон берди. Ўзи халоскор сифатида хонимнинг ёнида қолди. Сукут сақлаб узоқ ўтирдилар.

— Э, ана у, — шивирлади Пер дарё юқорисидан оролчаларга термулиб ўтирган хонимга.

Оқим бўйлаб, ёнларидан қулочкашлаб тортилаётган эшакчилари ялтираб сузиб келаётган қайиқ кўринди. Бири қайиқнинг тумшугига, бири орқасига ўтириб олган эркак ва аёл қайиқни лапанглатиб ҳайдаб келарди. Сейзер хоним аёлга аввал қарамади.

Яқинлашганларида аёлнинг ўзига хос хуснига эътибор беришга мажбур бўлди. Аёлнинг тик қоматини, мол терисидан жим-жимадор қилиб тикилган камзулини, жун рўмолчаси ярмини яшириб турган қуюқ, кўкиштоб қора сочларини суқланиб томоша қилди. Атиги биргина нигоҳ ташламоқчи бўлган Сейзер хоним аёлнинг қип-қизил юзларидан кўз узолмай қолди. Аёлнинг қоп-қора, сал гилай кўзлари ҳам нафис, қайрилма киприклари остидан Сейзер хонимга тикилди. Аёлнинг қулча юзида, бўртиб чиққан ёноқ суюқларида, буришган лабларида соғломлик ва нафосат барқ уриб турарди. Бу юзлар, бу вужуд қадимги мўғул қони — унутилган аждодларни эслатарди. Таъбир жоиз бўлса, аёлни ҳинду қабиласининг қарийб йигирма авлодида бир туғилувчи гўзал маликаси дейиш мумкин эди...

Қайиқнинг учини қирғоққа тираб, оқимга қарши қилиб қўйдилар. Аёл қирғоққа чиқиб, ҳалигина ўлдирилган бугуни арқондан қўлини ўтказиб олиб юқорига судраб кетди. Кейин эркак иккови қайиқни судрашди. Итлар

қаҳр билан, сўнг гингшиб хурди. Аёл энгшиб, итларни эркалатаётганда эркак яқингинада турган Сейзер хонимни кўриб қолди, кўзларига ишонмай, қўлларини беихтиёр пешонасига қўйиб, Сейзер хонимга қаради, яна қаради.

— Карен, — деди эркак соддагина, яқинроқ келиб қўл узатаркан. — Ўтган баҳорги қорда кўзимни олдириб қўйганман, ўшандан буён кўзларимга ишонмайман. Ҳозир ҳам ишонмайман.

— Эҳтимол... Сиз негадир ўз ҳаётингиз ҳақида сўйламаяпсиз. Айтинг-чи, бу яқин орада одамлар борми? Балки ёлғиздирсиз? Хоним сўраётганда, ўчоқ олдида халтадаги қаҳва доини япалоқ тош билан туюётган ҳинду аёлга қаради. Ҳинду аёл уларга эътибор бермай, ўжар ва асабий ҳаракатлар билан қаҳва доини туярди. Эркак Сейзер хонимнинг ҳинду аёлга қараётганини сезиб, лабларида табассум ўйнади.

— Ҳамсояларимиз бор эди, — деди у. — Миссурилик ва корнуэлликлар бор эди-ю, улар ҳам олтин излаб Элдорадога кетишди.

Сейзер хоним ўчоқ олдида ивириб юрган ҳинду аёлга яна ўйчан назар ташлади.

— Бу ерда ҳиндулар кўпдир-а?

— Улар Доусонга кўчиб кетишди. Бу атрофда ҳинду қолмаган. Фақат Кайкук қабиласидан манави Винапи қолган. Улар ҳам дарёдан тахминан минг милча пастда яшайди.

Сейзер хонимнинг лабларидаги табассум сўнмаган бўлса-да, узоқ-узоқларга қараб, фавкулотда боши айланаётганини — қулбанинг ёғоч деворлари чирпирак бўлиб ўйнаётганини ҳис қилди. Худди шу пайт тамадди қилиш учун хонимни дастурхонга таклиф этдилар. Хоним шундагина ўзига келди. Дастурхон атрофида эса кам сўзлади. Табиат жамоли, об-ҳаво ҳақида, ёзда пастки ва юқори қиялиқдан олтин қовлаш машаққатлари, иш шароити, усуллари ҳақида сўзлади. Сўнг:

— Сиз... Буюқларга келишим сабабини сўрамай-сизми? Мактубларимни олгандирсиз? — деди.

— Охиргисиними? Олмаганман. Қайинзор сойда, дарё пастигада савдо қулбаларида тахланни ётган бўлса керак. Бизда хат тарқатувчилар ёмон ишлайди, интизом-сиз...


— Ўзингизни соддаликка олманг, Дэив, — кескин сўзлади хоним. — Нега аҳволимни сўрамаяпсиз? Сизсиз кечган ҳаётим сизни қизиқтирмаяптими? Наҳотки?... Биласизми, эрим... вафот этди.

— Во ажаб! Бу жуда қайғули-ку, қачон?..

— Дэив! — хоним хўрлиги келганидан йиғлаб юборишига бир баҳя қолди, жамики аламлари, гиналарини ичига ютди. — Ҳеч бўлмаса бирорта мактубимни олгандирсиз? Олгансиз, ақалли бир мартагина бўлса-да жавоб ёзмадингиз!

(Давоми бор)

Тоғай МУРОД ўзбекчалаштирган



Мамлакатимизда фуқаролар йиғинлари раислари (оқсоқоллари) ва уларнинг маслаҳатчилари сайлови «Фуқаролар йиғини раиси (оқсоқоли) ва унинг маслаҳатчилари сайлови тўғрисида»ги қонунга мувофиқ ўтказилмоқда. Декабрь ойига қадар давом этадиган бу муҳим жараён билан боғлиқ айрим саволларга жавоб беришни лозим топдик.

► **— Фуқаролар йиғини раиси (оқсоқоли) ва унинг маслаҳатчилари қанча муддатга сайланади?**

— Фуқаролар йиғини раиси ва унинг маслаҳатчилари фуқаролар йиғини томонидан, қонун ҳужжатларида назарда тутилган ҳолларда эса фуқаролар вакиллари йиғилиши томонидан икки ярим йил муддатга сайланади.

► **— Сайлов қандай ташкил этилади?**

— Фуқаролар йиғинлари раислари ва уларнинг маслаҳатчилари сайловини ташкил этиш ҳамда ўтказишда фуқаролар йиғинларига амалий ёрдам кўрсатиш учун жойларда тегишли комиссиялар тузилади. Уларнинг таркибига фуқаролар йиғинларининг, давлат ҳокимияти ва бошқарув органларининг, нодавлат нотижорат ташкилотларининг вакиллари киритилади.

Фуқаролар йиғини раиси ёки унинг маслаҳатчилари вазифасига номзодлар комиссияга аъзо шахслар орасидан кўрсатилган бўлса, улар комиссия таркибидан чиқарилади.

► **— Мазкур комиссиянинг ваколатлари нимадан иборат?**

— Комиссия ваколатлари қуйидагилардан иборат: ушбу қонун ижро этилишини таъминлайди, сайловни ташкил этиш ҳамда ўтказиш масалалари бўйича тушунтиришлар беради ва тегишли ишчи гуруҳларининг фаолиятини йўналтириб боради;

сайловни ўтказиш масалалари бўйича аҳоли ўртасида тушунтириш ишлари олиб борилишини ташкил қилади; ишчи гуруҳларидан кейинчалик тегишли туман, шаҳар ҳокимлари билан келишиш учун раис вазифасига кўрсатилган номзодларга доир ҳужжатларни қабул қилиб олади;

сайловга доир ҳужжатларнинг намуналарини тасдиқлайди;

сайловга тайёргарлик кўриш ҳамда уни ўтказиш билан боғлиқ масалаларга доир ахборотларни тинглайди;

тегишли ҳудудда фуқаролар йиғинлари раислари ва уларнинг маслаҳатчилари сайлови яқунларини чиқаради;

сайловга доир мурожаатларни кўриб чиқади;

сайлов жараёни билан боғлиқ ҳужжатларнинг архивга топширилишини таъминлайди.

► **— Фуқаролар йиғини раислигига номзодларга қандай талаблар қўйилади?**

— Фуқаролар йиғини раиси вазифасига номзодлар, қоида тариқасида, олий маълумотли бўлиши ва сайлов куни тегишли ҳудудда доимий яшаб турган бўлиши, шунингдек, ташкилотчилик қобилиятига, ҳаётий тажрибага ва аҳоли ўртасида обрў-эътиборга эга бўлиши керак. Суд томонидан муомалага лаёқатсиз деб топилган шахслар, шунингдек, суднинг ҳукми билан озодликдан маҳрум этиш жойларида сақланаётган шахслар фуқаролар йиғини раиси вазифасига сайланиш учун номзод этиб кўрсатилиши мумкин эмас.

► **— Номзод қай тарзда кўрсатилади?**

— Фуқаролар йиғини раиси вазифасига номзодлар кўрсатиш тегишли ҳудудда яшовчи аҳолининг фикрини ҳисобга олган ҳолда ишчи гуруҳи томонидан амалга оширилади. Номзодларга доир ҳужжатлар туман ёки шаҳар ҳокими билан келишиш учун тегишли туман ёки шаҳар комиссиясига сайловдан камидан ўн кун олдин топширилади.

► **— Фуқаролар йиғини раиси ва унинг маслаҳатчиларини сайлашда овоз бериш қандай ташкил этилади?**

— Фуқаролар йиғини раиси ва унинг маслаҳатчиларини сайлаш очик ёки яширин овоз бериш орқали амалга оширилади. Овоз бериш шакли тўғрисидаги қарор фуқаролар йиғини томонидан очик овоз бериш орқали қабул қилинади. Овоз бериш натижаларини аниқлаш учун

фуқаролар йиғини томонидан камидан уч кишидан иборат таркибда санақ комиссияси сайланади.

Агар сайлов очик овоз бериш йўли билан ўтказилса, ҳар бир номзод бўйича таклифларнинг келиб тушиш тартибига қараб, қўл кўтариш йўли билан ўтказилади.

Агар яширин овоз бериш орқали ўтказилса, фуқаролар йиғини иштирокчиларига санақ комиссияси томонидан овоз бериш бюллетенлари берилади. Бюллетенларни бериш бевосита овоз беришдан олдин бошланади.

Яширин овоз бериш бюллетенига фуқаролар йиғини раиси ёки унинг маслаҳатчилари вазифасига номзодларнинг фамилияси, исми, отасининг исми алифбо тартибда киритилади.

Фуқаролар йиғини раиси ёки унинг маслаҳатчиларини сайлаш бюллетени овоз берувчи томонидан яширин овоз бериш кабинаси ёхуд хонасида тўлдирилади. Овоз берувчи ўзи қарши овоз бераётган номзодларнинг бюллетендаги фамилиясини ўчиради. Овоз берувчи тўлдирилган бюллетенни сайлов қутисига ташлайди.

Сайлов қутилари овоз бериш тугаганидан кейин санақ комиссияси томонидан очилади.

► **— Овозларни ҳисоблаш тартиби қандай?**

— Овозлар санақ комиссияси томонидан, фуқаролар йиғини раиси ёки унинг маслаҳатчилари вазифасига ҳар бир номзод бўйича санаб чиқилади.

Овозларни санаш натижалари бўйича санақ комиссияси томонидан баённома тузилади. Унда қуйидагилар кўрсатилади:

Фуқаролар йиғини иштирокчиларининг умумий сони; овоз беришда қатнашган фуқаролар йиғини иштирокчиларининг сони;

яширин овоз бериш ўтказилганда бюллетен олган фуқаролар йиғини иштирокчиларининг сони;

фуқаролар йиғини раиси ёки унинг маслаҳатчилари вазифасига ҳар бир номзодни ёқлаб ва унга қарши берилган овозлар сони;

яширин овоз бериш ўтка-

зилганда ҳақиқий эмас деб топилган бюллетенлар сони.

Баённома санақ комиссиясининг раиси ва аъзолари томонидан имзоланади.

Баённома санақ комиссиясининг раиси томонидан ўқиб эшиттирилади ва фуқаролар йиғини томонидан тасдиқланади.

► **— Сайлов яқунлари қай тартибда чиқарилади?**

— Фуқаролар йиғинида ҳозир бўлган фуқароларнинг ярмидан кўпининг овозини олган номзод фуқаролар йиғини раиси ёки унинг маслаҳатчиси вазифасига сайланган ҳисобланади.

Фуқаролар йиғини раиси ва унинг маслаҳатчилари сайлови яқунлари бўйича фуқаролар йиғини қарор қабул қилади ҳамда мазкур қарор фуқаролар йиғинида раислик қилувчи томонидан ўқиб эшиттирилади.

Фуқаролар йиғини баённомаси икки нусхада тузилиб, битта нусхаси сайлов яқунларини умумлаштириш учун тегишли туман ёки шаҳар комиссиясига тақдим этилади.

Туман ва шаҳар комиссиялари фуқаролар йиғинлари раислари ва уларнинг маслаҳатчилари сайлови яқунларига доир умумлаштирилган маълумотларни тегишлича Қорақалпоғистон Республикаси, вилоят ёки Тошкент шаҳар комиссиясига топширади.

► **— Қандай ҳолатда сайлов ҳақиқий эмас деб топилади?**

— Агар фуқаролар йиғини раиси ва унинг маслаҳатчилари сайловида фуқаролар йиғинида иштирок этувчилар рўйхатида киритилган фуқароларнинг ярмидан ози иштирок этган бўлса, сайлов ўтмаган деб топилади. Сайлов фуқаролар вакиллари йиғилишларида ўтказилган тақдирда, агар йиғилишда фуқаролар вакиллари учдан икки қисмидан ози иштирок этган бўлса, сайлов ўтмаган деб топилади.

Сайлов чоғида йўл қўйиб, оқибатда овоз бериш яқунларига таъсир қилган қоидабузарлик туфайли сайлов суд томонидан ҳақиқий эмас деб топилиши мумкин.

Ҳуқуқ ва халқаро ҳаёт бўлими

ЎЗБЕКИСТОН

Table of TV channels and programs for Uzbekistan, including Kuratlar, Dasturi, and various news and entertainment shows.

TOSHKENT

Table of TV channels and programs for Tashkent, including Kuratlar, Dasturi, and various news and entertainment shows.

ПЕРВЫЙ

Table of TV channels and programs for the First Channel, including Kuratlar, Dasturi, and various news and entertainment shows.

СТС

Table of TV channels and programs for SCS, including Kuratlar, Dasturi, and various news and entertainment shows.

ТВ-3

Table of TV channels and programs for TV-3, including Kuratlar, Dasturi, and various news and entertainment shows.

DTV

Table of TV channels and programs for DTV, including Kuratlar, Dasturi, and various news and entertainment shows.

ТВ-3

Table of TV channels and programs for TV-3, including Kuratlar, Dasturi, and various news and entertainment shows.

ТВ-3

Table of TV channels and programs for TV-3, including Kuratlar, Dasturi, and various news and entertainment shows.

ТВ-3

Table of TV channels and programs for TV-3, including Kuratlar, Dasturi, and various news and entertainment shows.

ТВ-3


Table of TV channels and programs for TV-3, including Kuratlar, Dasturi, and various news and entertainment shows.

ТВ-3

Table of TV channels and programs for TV-3, including Kuratlar, Dasturi, and various news and entertainment shows.

ТВ-3

Table of TV channels and programs for TV-3, including Kuratlar, Dasturi, and various news and entertainment shows.



ЎЗБЕКИСТОН

Table of TV channels and programs for Uzbekistan, including Kuratlar, Dasturi, and various news and entertainment shows.

TOSHKENT

Table of TV channels and programs for Tashkent, including Kuratlar, Dasturi, and various news and entertainment shows.

ПЕРВЫЙ

Table of TV channels and programs for the First Channel, including Kuratlar, Dasturi, and various news and entertainment shows.

СТС


Table of TV channels and programs for SCS, including Kuratlar, Dasturi, and various news and entertainment shows.

ТВ-3

Table of TV channels and programs for TV-3, including Kuratlar, Dasturi, and various news and entertainment shows.

ТВ-3

Table of TV channels and programs for TV-3, including Kuratlar, Dasturi, and various news and entertainment shows.



ЎЗБЕКИСТОН

Table of TV channels and programs for Uzbekistan, including Kuratlar, Dasturi, and various news and entertainment shows.

TOSHKENT

Table of TV channels and programs for Tashkent, including Kuratlar, Dasturi, and various news and entertainment shows.

ПЕРВЫЙ

Table of TV channels and programs for the First Channel, including Kuratlar, Dasturi, and various news and entertainment shows.

СТС

Table of TV channels and programs for SCS, including Kuratlar, Dasturi, and various news and entertainment shows.

ТВ-3

Table of TV channels and programs for TV-3, including Kuratlar, Dasturi, and various news and entertainment shows.

ТВ-3

Table of TV channels and programs for TV-3, including Kuratlar, Dasturi, and various news and entertainment shows.

ОЗБЕКISTON

Table of TV channels and programs for Uzbekistan, including channels like O'zbekiston, Toshkent, and TV Markaz.

TOSHKENT

Table of TV channels and programs for Tashkent, including channels like Toshkent, TV Markaz, and others.

ПЕРВЫЙ

Table of TV channels and programs for the First Channel, including channels like 1, 2, 3, and others.

ТВ-3

Table of TV channels and programs for TV-3, including channels like 3, 4, 5, and others.

СТС

Table of TV channels and programs for SCS, including channels like 6, 7, 8, and others.

Домашний

Table of TV channels and programs for Domashniy, including channels like 9, 10, 11, and others.

РОССИЯ

Table of TV channels and programs for Russia, including channels like 12, 13, 14, and others.

Спорт

Table of TV channels and programs for Sport, including channels like 15, 16, 17, and others.

YOSHLAR

Table of TV channels and programs for Youth, including channels like 18, 19, 20, and others.

DTV

Table of TV channels and programs for DTV, including channels like 21, 22, 23, and others.

HTB

Table of TV channels and programs for HTB, including channels like 24, 25, 26, and others.

5

ОЗБЕКISTON

Table of TV channels and programs for Uzbekistan, including channels like O'zbekiston, Toshkent, and TV Markaz.

TOSHKENT

Table of TV channels and programs for Tashkent, including channels like Toshkent, TV Markaz, and others.

ПЕРВЫЙ

Table of TV channels and programs for the First Channel, including channels like 1, 2, 3, and others.

ТВ-3

Table of TV channels and programs for TV-3, including channels like 3, 4, 5, and others.

СТС

Table of TV channels and programs for SCS, including channels like 6, 7, 8, and others.

Домашний

Table of TV channels and programs for Domashniy, including channels like 9, 10, 11, and others.

РОССИЯ

Table of TV channels and programs for Russia, including channels like 12, 13, 14, and others.

Спорт

Table of TV channels and programs for Sport, including channels like 15, 16, 17, and others.

YOSHLAR

Table of TV channels and programs for Youth, including channels like 18, 19, 20, and others.

DTV

Table of TV channels and programs for DTV, including channels like 21, 22, 23, and others.

HTB

Table of TV channels and programs for HTB, including channels like 24, 25, 26, and others.

5

Жума 28 ноябр

ОЗБЕКISTON

Table of TV channels and programs for Uzbekistan, including channels like O'zbekiston, Toshkent, and TV Markaz.

TOSHKENT

Table of TV channels and programs for Tashkent, including channels like Toshkent, TV Markaz, and others.

ПЕРВЫЙ

Table of TV channels and programs for the First Channel, including channels like 1, 2, 3, and others.

ТВ-3

Table of TV channels and programs for TV-3, including channels like 3, 4, 5, and others.

СТС

Table of TV channels and programs for SCS, including channels like 6, 7, 8, and others.

Домашний

Table of TV channels and programs for Domashniy, including channels like 9, 10, 11, and others.

РОССИЯ

Table of TV channels and programs for Russia, including channels like 12, 13, 14, and others.

Спорт

Table of TV channels and programs for Sport, including channels like 15, 16, 17, and others.

YOSHLAR

Table of TV channels and programs for Youth, including channels like 18, 19, 20, and others.

DTV

Table of TV channels and programs for DTV, including channels like 21, 22, 23, and others.

HTB

Table of TV channels and programs for HTB, including channels like 24, 25, 26, and others.

5

ОЗБЕКISTON

Table of TV channels and programs for Uzbekistan, including channels like O'zbekiston, Toshkent, and TV Markaz.

TOSHKENT

Table of TV channels and programs for Tashkent, including channels like Toshkent, TV Markaz, and others.

ПЕРВЫЙ

Table of TV channels and programs for the First Channel, including channels like 1, 2, 3, and others.

ТВ-3

Table of TV channels and programs for TV-3, including channels like 3, 4, 5, and others.

СТС

Table of TV channels and programs for SCS, including channels like 6, 7, 8, and others.

Домашний

Table of TV channels and programs for Domashniy, including channels like 9, 10, 11, and others.

РОССИЯ

Table of TV channels and programs for Russia, including channels like 12, 13, 14, and others.

Спорт

Table of TV channels and programs for Sport, including channels like 15, 16, 17, and others.

YOSHLAR

Table of TV channels and programs for Youth, including channels like 18, 19, 20, and others.


DTV

Table of TV channels and programs for DTV, including channels like 21, 22, 23, and others.

HTB

Table of TV channels and programs for HTB, including channels like 24, 25, 26, and others.

5



Барбод бўлган тажриба

Хаммаси Ева Брауннинг яқин қариндоши — Фегелайн деган кимсанинг эфирга бевосита узатилган қатл маросими билан бошланади. СС Гаупштурм-фюрери Курт Шульцмайерни тергов қилиш асносида, у Гитлерга яқин бўлган одамнинг отилиш тафсилоти ҳақида ғалати янгиликни айтган.

Унинг айтишича, ҳукм ижро этилаётганда, бу воқеани даҳлатлар орасидан Лхасдан келган «тибетлик», «алвон либосда»ги бир одам кузатиб турган. Шунчаки кузатиб турган бўлса ҳам, майли.


«Тибетлик бу кимса, — дейди Шульцмайер, — ингичка ғаройиб асбобни ҳукм ижро этилаётган жойга қаратиб қўйганди. «Эсасчи терговчига кўрсатма бериш асносида уни, «тибетлик» ҳақида СС рейхсфюрери Гиммлернинг шахсан эи оғохлантиргани, «тибетликка» халақит бермасликни тайинлаганини айтди.

— Гиммлер бу ерда содир бўлаётган воқеани яна бир жойда кўриб туришларини истарди, — дейди Шульцмайер.

1941 йилнинг 27 апрелида Геббельснинг қизи Хельга жияни Рудольф Гессга ёзган мактубда шундай сўзлар бор: «Генрих! Мушталашув чоғида сен олган тасвири дадам бир кўрганида борми! Йўқ, бу иш мутлақо ярамайди! Назаримда, биз мутлақо бошқа нарса, дейлик кулгили бирор воқеани тасвирга туширганимиз маъқулроқми, дейман». «Иконоскоп» билан тасвирга олиш мумкин бўлмаган нарсаларни сенинг «кўзли трубка» билан бемалол тасвирга тушириш мумкин... Соҳиб менга ҳам шунақасидан битта совға қилганида, зап иш бўлардида. Ўшанда биз сен билан бир пайтнинг ўзида ҳам суратга олган ҳам гаплашган бўлар эдик».

Хельга Геббельс нимага шаъма қияпти? Нима у сездирмасдан тасвирга олиш ҳамда ўзаро мулоқот ўрнатиш мумкин бўлган «кўзли трубка»? «Тибетлик» Ева Браун куёви отилишини тасвирга олган ўша «ғаройиб митти аппарат» ҳақида гап кетмаптимикин? Хўш, нима бўлди ўзи ўша нарса? Балки замонавий камерали қўл телефонида? Ва ниҳоят, Учинчи рейх арзандагарини сирли совға билан сийлаган соҳибнинг ўзи ким?

СС рейхсфюрерининг «келди-кетди» дафтарида Гиммлер ва Тибетга уюштирилган экспедиция раҳбари Эрнст Шаффернинг ўзаро саккиз марта, шунингдек, Гиммлернинг «Аждодлар мероси» институтига ишга жалб этилган Лхас вакилларининг тўрт бора учрашганлари қайд этилган. Йигирманчи аср бошларидаёқ яширин жамиятларга уюшган не-



мис миллатчилари айнан ўша ёқдан, Тибетдан қадимги илму ҳикмат, қодири қудрат шаклида нажот кутишганди. Мазкур билимлар ўз мақсадига эришиш учун Германияга йўлчи юлдуз бўлиб хизмат қилиши керак эди. Ўзига хос мазкур тажриба учун немис телевидениеси лаборатория вазифасини ўтади.

ИШ КУНИ. ПЕШИНДА

Немис телевидениеси 1935 йилда ташкил топиб, бирданига катта шов-шувларга сабаб бўлди. Кўчма телевизион станцияларнинг ўта бесўнақайлигига қарамасдан 36-йилдаёқ катта утуқларга эришди. Адольф Гитлер нутқ сўзлаган стадионлар, митинглар, оламшумул намойишлардан бевосита кўрсатувлар бутун мамлакатга узатила бошланди.

Гитлернинг 1936 йил Берлин олимпиадасидаги чиқиши расман эфирга узатилган биринчи сигнал ҳисобланади. Тасвири эфирга узатилган биринчи одам эса нисбатан кичикроқ амалдор бўлиб, унинг исми-шарифи Ольгерд Хадамовски эди.

Телекўрсатувларнинг дунёдаги умумий аҳволи ўша пайтлар деярли бир хил эди, десак хато қилмаймиз. Дейлик, газеталарда мана бундай эълонлар пайдо бўлиб қоларди: «Кўринг! Томоша қилинг! 56,6 метрли тўлқинда одамнинг жонли тасвири ёки сурати намойиш этилади!». Шундан сўнг митти экранда тасвир, дейлик юз пайдо бўлиб, камера қаршисида ўтирган одам бошини чапдан ўнгга, ўнгдан чапга бураве-рарди. Кейин экранда бошқа одам пайдо бўлиб, кўзойнагини кўзидан олар ва яна қан-шарига кўндирарди.

Буни қарангки, тарғибот-ташвиқот устаси бўлган Йозеф Геббельс ўша пайтлардаёқ бу қинғир-қийшиқ тасвирларда нечоғли қудрат борлигини пайқаган экан. Кўрсатув ўша пайтлар студиядан олиб борилар, дастлабки сигналлар ажабтовур бўлиб, тасвир экранда пайдо бўлиб,

овоз алоҳида — радиоприёмниклар орқали узатиларди.

Немис давлат дастурига биноан немис аёли ишла-маслиги, асл ориён аёлнинг вазифаси уй-рўзгор ишларини бажариш, бола тарбияси билан шуғулланиш бўлган. Магда Геббельс уй бекалари учун маданий-маиший хизмат комбинатлари қошидаги кирхоналарда махсус хоналар ташкил этиш тақлифини ўртага ташлади, токи бу хоналарда телефонен атрофида ўттиз чоғли аёл тўпланиб, томоша кўриш, валақлаш, кўрганларини муҳокама этиш имконига эга бўлсин. Ўйлаганларини амалга ошириш учун Магда Геббельс маблаг сўраб тарғибот-ташвиқот ва-зирлигига, эрига мурожаат қилди. Геббельс, айтган чизигидан чиқмаса, комитетга пул ваъда қилди. Кўз билан кўриладиган манзаранинг эшитиладиганидан устун томони шундаки, эшитиладиган нарса хос тасаввур ёрдамида кўриладиган ҳолат, манзарага айланади. Эшитиладиган нарсани «назорат» остида ушлаб туриш мумкин эмас, ҳар ким ўзича кўради, тасаввур қилади. Шунинг учун айри-айрича эмас, ҳамма бир-дай кўриш нималигини кўрсатиб қўйишимиз керак, дейди Геббельс.

1945 йилда рейх мунший-хонаси вайроналаридан телевизион дастурлар ёзилган ўнлаб қутичалар топилди. Тасмаларнинг сифати ўрганиб чиқилганда, немис муҳандислари нақ замонавий технологияларни қўлга киритиш ара-фасида турганликларни кундай равшан бўлиб қолди.

Тасмалар жойланган айрим қутичаларга ҳатто «кабелли кўрсатувлар учун» деган белги қўйилган экан!

Совет журналистлари ҳамда ҳарбий таржимонлар яна бир қутилмаган янгиликдан ёқа ушлаб қолишди: бутун диққат-эътиборни фақат ҳарбий технологияларга қаратган, деб келинаётган учинчи Рейх нацист доҳийларининг васвасали уруш режарига мутлақо қовушмайди-

ган бутун бошли тинчлик индустрияси — янгиликлар, спорт, жинойи қидирув, мусиқали, илмий-маърифий телевидение яратиш устида ҳам бош қотирган экан.

Воқеалар ривожини билан танишиш асносида кишида шундай таассурот уйғонадики, маънавият раҳнамоларининг тажрибалари худди биз ўйлаган-дек — маънавий озуқа яратишдан бошланган. Мазкур босқичда устоз ва шогирдлар ҳамкорлиги жуда силлиқ ва муваффақиятли кечганини ҳам таъкидлаш жоиз.

ЯНГИ ҲАЁТ

Тибетлик ламаларнинг Геббельс идорасида расман пайдо бўлишлари 1940 йилнинг январ ойига тўғри келади. Айнан шу паллада Геббельс ўз идорасига телевидение ривожини билан боғлиқ кўрсатмалар ёғдира бошлайди. Унинг кўрсатмасига биноан телевизион аудиторияларнинг оммавийлиги кескин ошади. Инженер Вальтер Брухга «халқ телевидениеси» қурилишининг техник режасини ишлаб чиқиш топширилади ва бу режа ордан ҳеч қанча вақт ўтмай Гитлер столига қўйилади. Мазкур ҳужжат «Барча герман оилаларини халқ теле-передатчиклари билан таъминлаш» деб аталади. Бир вақтнинг ўзида Берлин билан Нюрнберг ўртасида кенг-йўлаккли телевизион кабел ётқизиш ишлари бошлаб юборилади.

Геббельс рафиқаси Магдага ва Маргарита Гессга «аёллар телехоналари» ташкил этиш борасидаги ташкилотчилик фаолиятларини давом эттиришни тақлиф этади. Ҳатто эфирни «бадий фантазиялар» билан тўлдиришга ҳам рози бўлади.

1940 йилдан эътиборан тарғибот-ташвиқот вазири-лигида теледастурларни такомиллаштириш бўйича икки — тарғибот-ташвиқот ва бадий йўналишлар устиворлиги яққол кўзга ташлана бошлайди.



«Россия» телеканалининг шов-шувга ўч мухбирлари яқинда ўз мухлисларини ажабтовур янгиликдан хабардор этишди: фашистлар Германияси қачонлардир тўлақонли телевидение ихтиро этиш арафасида бўлган экан. «Учинчи рейхнинг сеҳрли кўзи» ҳужжатли филми ижодкорларининг таъкидлашича, фашистлар Германиясининг яксон қилиниши туфайлигина бу иш амалга ошмай қолган эмиш. Бу ҳали ҳолва, давомини эшитинг. Тарихчиларнинг далолат беришларича, гўёки фюрер учун атом бомбаси, ҳали ҳеч кимга маълум бўлмаган қирғин қуро-ли, «учар ликобча» ҳам тайёрлаб қўйилган. Миш-мишлар, ваҳима гапларни бир четга қўйлик-да, XX асрнинг энг буюк ихтироларидан бири телевидениега тўхталик.

БУЁҒИ ТЕХНИКАГА БОҒЛИҚ

Йозеф Геббельс немис телевидениесининг «продюсерлари» — Рудольф Гесснинг синглиси Маргарита ҳамда рафиқаси Магдага ёзди: «Масаланинг техник жиҳатидан кўнглингиз хотиржам бўлсин. Яқин кунларда шундай аппаратларга эга бўламинки, хоҳлаган нарсани намойиш этишга қучисани етади. Немис халқига зарур бўлган шароит, албатта, яратилади. Сизнинг вази-фангиз немис аёлларини шу шароитга кўниктиришдан иборат».

Мазкур сўзлар «рухий марказ» яратиш тажрибаси иккинчи — техник босқичга кирганидан далолат беради.

Бундан шундай хулоса чиқариш мумкинки, Лхас вакиллари Берлинга қуруқ қўл билан келишмаган.

Энди Маргарита Гесс 1948 йил 12 декабр куни кундалигига ёзган мана бу жумлаларга эътибор беринг: «Бу воқеа 1939 йилнинг баҳорида юз берган эди... Рудольф айтдики, менга ва болаларимга энди янги кўриқчи тайинланармиш. Биз унга «соҳиб» деб мурожаат қилишимиз керак экан.

Соҳиб уйимизга бизга мутлақо нотаниш ажабтовур буюмларни олиб келди. Ўша «ўйинчоқ»нинг биринчиси ўғлимга берилди...»

Тажриба ҳал қилувчи паллага кирган эди. Масаланинг биринчи, назарий қисми деярли яқунланган: бўлғуси телеиндустриянинг шакли-шамойили ихтирочиларнинг онг-шуурида пишиб бўлганди: Галдаги вазифа — немислар кўз ўнгида виртуал дунёни намойиш эта оладиган, шу пайтгача кўз кўриб, қулоқ эшитмаган ўта янги телевизион кўрсатувлар техникасини бошқаришга қодир ижрочиларни тайёрлашдан иборат эди.

(Давоми бор)

Хориж матбуоти хабарлари асосида Р. МУҲАММАДИЕВ тайёрлади



Хурматли тахририят! Менинг 2 та фарзандим бор, Уғлим 8-синфда ўқийди, афсуски, бўйи жуда паст. Шифокорлар беш йил олдин ўсиб кетади дейишувди. Ахир у йигит бўлади, оила қуради, мен хавотирдаман. Нима қилай, ёрдам беринг.

С.КАТТАЕВ,
Термиз шахри



Гиннеснинг рекордлар китобидан жой олган дунёнинг энг бўйдор кишиси 54 ёшли Бао Сишунь (бўйи 2,36 метр) 19 ёшли дунёдаги энг пакана одам номинициясига номзод Хи Пингпинг (бўйи 73 см.) билан.

Паканалик қандай касаллик? Унинг олдини олиш мумкинми? Бугунги кунда генетик молекуляр биология ва эндокринология соҳаларидаги кўпгина кашфиётлар шарафати билан мазкур касалликнинг олдини олиш имконияти тугилди, шу билан бирга уни даволаш йўллари топиш муҳокама қилинмоқда.

Паканалик

Хасталик...ми?

ГИПОФИЗАР НАНИЗМ

Бу касаллик ирсий хусусиятга эга. Ота-онаси яқин қариндош бўлган болаларда гипофизар паканалик учрайди. Гипофизар нанизмнинг пайдо бўлиши ва ривожланишида онанинг ёши муҳим рол ўйнайди. Чунки ёш катталашган сайин ирсият процеслари кучаяди.

Касаллик асосида гипоталама гипофизар тизимнинг функционал етишмовчилиги, камчилиги ёки анатомик ривожланмаганлиги ётади.

Касалликнинг белгилари — бўй ўсишининг секинлашиши ва бутунлай тўхтаб қолиши бола 3-5 ёшга кирганда яққол кузатилади. Вояга етганда ҳам ёшга хос бўлмаган овоз сакланиб қолади.

Кўпинча бу касалликда жинсий безлар ва аъзоларнинг яхши ривожланмаслиги кўзга ташланади. Шу сабабли бундай кишилар кўпинча фарзандсиз ўтадилар. Бу ҳолат уларни кучли рухий депрессия ва изтиробга дучор қилади.

ПРИМОРДИАЛ НАНИЗМ

Паканаликнинг бу тури бирламчи паканалик деб аталади. Бу хасталикнинг сабаби тўла-тўқис ўрганилмаган. Кўпинча ирсий-конституционал фонда марказий нерв системаси ҳомила вақтида шикастланади.

Касаллик белгилари — бола туғилишида бўйи атиги 20-35 см, вазни 1500 граммга тенг бўлади. Кейинчалик нормал ривожланади. Иккиламчи жинсий белгилар ҳам ўз вақтида пайдо бўлади. Лекин бўйи пастлигича қолади. Беморнинг эндокрин системасида бошқа ўзгаришлар кузатилмайди. Бундай одамлар оила қуради, фарзанд кўради. Жамиятда ўз ўрнини топади.

Уларнинг бўйини ўстириш чора-тадбирлари кўпинча кам фойда беради.

БҮЙ ПАСТЛИГИ НИМАГА БОҒЛИҚ?

Бўйи паст одамларни кўрганмизда кўнгилдан кўпинча отаси, бобоси ҳам баланд бўйли бўлмагандир деган фикр кечади. Масалан, Ҳиндистон подшоиси марҳум Лаъл Баҳодир Шастрининг бўйи 150 смга етмаган, вазни 46 кг. бўлган.

Одам бўйининг 90 фоизи генларга боғлиқ. Онасини кўриб қизини ол дейишлари бежиз эмас.

Инсон вояга етганда қандай бўйга, савлатга эга бўлиши кўп асрлардан бери доғишмандларни, олимларни қизиқтириб келган. Бу борада кўп изланишлар олиб борилди ва 1970 йилдан бошлаб Егоров, Левитский жадвали совет медицинаси амалиётга тарқатилди ва шу пайтгача ишлатиб келинмоқда. Ҳозирги усуллардан бирини эътиборингизга ҳавола қиламиз.

Ўғил болалар учун формула:

Отасининг бўйи + онасининг бўйи x 1,08 = натижа.

Қиз болалар учун формула:

Отасининг бўйи x 0,923 + онасининг бўйи : 2 = натижа.

Натижа (ё 5 см.) йигит ёки қиз 25 ёшга тўлганда бўйи қанча бўлишини кўрсатади.

Гормонал статус — бунда биринчи навбатда ўсиш гормонини аниқлаш лозим. Бу гормон жуда кичкина ҳажмга эга бўлиб, бош мия бўлими, гипофизда ишлаб чиқилади ва у замонавий тилда соматотропин деб аталади. Бу гормон суяклардаги фосфор моддаси билан боғлиқдир, шу сабабли суяк тўқималари ҳосил бўлиши ва ривожланишини кучайтиради. Шу билан бирга мускул, мушакларнинг катта бўлишига ёрдам беради, юрак ва марказий нерв системаси фаолиятини мустаҳкамлайди. Соматотропин етишмовчилиги бўй ўсишини тўхтатиб қўяди.

Инсон таъмида оқсил, витамин ва микроэлементлар етарли миқдорда бўлиши лозим. Ег ва углевод инсон сарфлайдиган энергияга мос бўлиши керак. Туз ва мол ёғини меъёрида истеъмол қилиш шарт. Бу, айниқса, кичик ёшдаги болаларга тааллуқли.

Илмий изланишлар шуни тасдиқладики, ўсиш гормони оқсилга бой маҳсулотларни истеъмол қилганда яхши ажралиб чиқади, ширинликлар эса (торт, конфет, қанд, мураббо) гармонни кам ҳосил қилади. Шунинг учун Германия, Япония, Франция олимларининг фикрича, ширинликларни кўп истеъмол қилиш одамнинг бўйини паст қилиб қўяр экан.

Бола бўйининг ўсишига А гуруҳдаги витаминлар (сабзи, балиқ, жигар, буйрак, кўкатлар), В гуруҳдаги витаминлар (сариеғ, суг, тухум, ёнғоқ, қора нон), калций моддаси (сутли маҳсулотлар) ва фосфор (балиқнинг ҳамма тури) яхши таъсир кўрсатади.

ИҚЛИМ ВА ГЕОГРАФИК МАНЗИЛ ТАЪСИРИ

Инсон бўйига атроф муҳит ва иқлимнинг таъсири бор. Шимолий мамлакатларда (Швеция, Дания, Норвегия) яшовчи аҳолининг ўртача бўйи шарқ давлатларида (Ҳиндистон, Шри-Ланка, Малайзия, Таиланд, Ветнам) яшайётган аҳолига қараганда анча баланд. Олимларнинг аниқлашича, ультрабинафша нурлар фойдали ва зарарсиз чегара доирасида инсон бўйини ўстиради, офтобнинг кўплиги ўсишни секинлаштиради.

СУРУНКАЛИ КАСАЛЛИКЛАР

Бўй ўсишининг секинлашиши кўпгина сурункали касалликларда кузатилади. Булар камқонлик, сил, ошқозон-ичак касалликлари, гипотиреоз, кўп қайталайдиган ўпка-бронх касалликлари, юрак пороги, буйрак, жигар фаолиятининг сурункали бузилишидир. Бундай ҳолларда бўй ўсиши вақтинча секинлашади ва бола соғайиб кетгандан кейин кескин ўсиш кузатилади. Агар қайд этилган касалликлар бола вояга етгунча давом этса, пакана бўлиб қолиши мумкин.

ЎСМАЙ ҚОЛАЁТГАН БОЛАНИНГ РУҲИЙ ҲОЛАТИ

Кўпинча катта оилаларда (8-10 болали) битта ёки иккита бўйи ўсмай қолган болага қандайдир бошқача қаралади. Унга уйда, боғчада, мактабда жуда кўп иш буюрилади, бу болага ёқадими-йўқми, енгилми ёки оғирми, ҳеч ким ўйламайди. Бола гап эшитмай деб ҳам руҳан, ҳам жисмонан қийналади. Ойлар ўтади ва у шунга ўрганиб қолади.

Шу билан бирга сурункали сикилиш, стресс, диққинафаслик бола организмда ўсиш гормони ишлаб чиқилишини кескин пасайтиради. Шу туфайли у ёмон ўсади. Бу ҳолат узоқ давом этса, боланинг бўйи ўсишдан тўхтайд.

Бўйи ўсмай қолган болани боғча ва мактабда ҳам ўртоқлари ҳар хил номлар билан (пакаш, бўғирсоқ, лилипут) ҳақорат қилишади. Шу боис бундай болаларда сержаҳллик кузатилади.

ИНСОН БҮЙИНИНГ НОРМАСИ

Бўйнинг нормаси ҳар хил мамлакатларда ҳар хил. Бу ушбу давлатнинг географияси, об-ҳавоси, овқатланиш маданияти усуллари, тарбияси, яшаш шароитига чамбарчас боғлиқ.

Бу борада турли жадваллар ишлаб чиқилган. Умумий педиатр шифокорлардаги махсус жадвалдан гўдак қанча ойлигида қандай вазнга эга бўлиши кераклигини билса бўлади. Вояга етган одамлар бўйининг 160 см.дан юқори бўлиши — норма.

Европа мамлакатларида бўйнинг 160 см.га етмаслиги паст кўрсаткич деб қабул қилинган.

Бизда паст бўйли деб бўйи 150 см.га етмаганлар назарда тутилади. Лекин Марказий Осиёда жойлашган 5 та давлат (Ўзбекистон, Қозоғистон, Туркменистон, Қирғизистон, Тожикистон) аҳолиси ўртасида қайси халқ баланд

бўйли, қайсиси паст бўйли деган саволга жавоб йўқ. Бунинг учун кўплаб эпидемиологик изланишлар олиб бориш лозим.

НЕЧА ЁШГАЧА БҮЙ ЎСАДИ?

Бўй ўсиши инсон суякларидagi ўсиш зоналари етилмагунча давом этади. Бу ўртача 18-25 ёшни ташкил қилади. Қизларнинг ўсиши асосан 17-18 ёшга давом этади, лекин баъзан 25 ёшга кузатилиши мумкин.

Маълумки, қиз болалар ўсишининг энг фаол даври 11-15 ёшдир, бу ёшда қизларнинг бўйи бир йилда 8,3 см.га чўзилади. Ўғил болаларда бу хусусият 19-21 ёшга давом этади, ўсишнинг энг самарали даври 12-15 ёшга давом этади. Бу жараёнда ўғил болаларнинг бир йиллик ўсиши 9,5 см.га тўғри келади.

Кейинчалик бўй ўсиши тўхтайд ва 60 ёшга яқинлашганда инсоннинг бўйи 2-2,5 см.га, 80 ёшда 6-7 см.га камаяди.

Шуни ҳам айтиб ўтиш лозимки, болалар соат 22⁰⁰ дан эрталаб 7⁰⁰ гача уйқуда бўлишлари лозим. Чунки ухлаб ётганда ҳам бўй ўсаверади. Ўсиш гормонининг 70 фоизи тунда ажралиб чиқади.

ПАКАНАЛИКНИ ДАВОЛАШ УСУЛЛАРИ

Илгарилари, яъни бундан 30-40 йил олдин бу камчиликка аҳамият беришмас эди, ҳозир бундай хасталикка жиддий қаралмоқда.

Энг асосий даволаш чораси гормонал даволашдир, бунда ушбу тоифали препаратларни ишлатиб, суякларнинг катта бўлишига, фаолиятини кучайтиришга эришилади.

Ижобий томонлари: амбулатор-поликлиника шароитида ва оғриқсиз даволаса бўлади. Айниқса, қишлоқ врачлик пунктла-

рида шифокорлар ушбу усулни қўллаши мумкин.

Салбий томонлари: организмдаги гормонал статус, яъни тизимнинг бузилиш хавфи бор.

Дорининг самараси беморнинг ёши билан белгиланади.

Бўй бир йилда 10-12 см. ўсади.

ЖИСМОНИЙ МАШҒУЛОТЛАР

Усулнинг бажарилиши — жисмоний оғирликни бартараф қилиш, тана чўзилиши учун тавсия қилинган машқлар, турникда осилиш. Бу машқлар суякларни бақувват қилади ва модда алмашинувини тезлатади. Бўй чўзилиши учун бажарилаётган машқлар бўғимларнинг ҳаракатчанлигини ривожлантиради, умуртқа ораллигидаги дискларнинг тикланишига ёрдам беради.

Ижобий томонлари: организмни соғломлаштиради ва бақувват қилади.

Салбий томонлари: унча кўп эмас. Машқлар кўп миқдорда бажарилса қўл, елкада оғриқ пайдо бўлади.

Натижаси катта эмас, лекин бўйнинг 5-6 см.га чўзилиши кузатилади. Шу билан бирга қаддиқомат тикланади.

ЖАРРОҲЛИК УСУЛИ БИЛАН БҮЙ ЎСТИРИШ


Ушбу усулнинг асоси — одамнинг болдир суяги синдирилиб, махсус ускуна билан 6-12 ойга фиксация қилиб қўйилади, яъни қотирилади.

Ижобий томонлари: бўй чўзилишига 100 фоиз кафолат беради.

Салбий томонлари: шифоҳонада узоқ ётиш, кўп асоратлар пайдо бўлиши, ҳаракатнинг чекланиши, кўп маблаг сарфланиши. Бунинг натижасида бўй 10-15-20 см.га чўзилади.

Тоҳир ИБРОҲИМОВ, тиббиёт фанлари доктори





В.Нерсисянц

Роберт Фишернинг мушкул партияси

(Боши ўтган сонда).

Албатта, ҳаёт мақсадсиз бўлмайди. Бироқ ҳаёт мақсад билан бир нарса эмас. Алоҳида олиб қаралган инсон у ёки бу совринлар ёки фахрли унвонлардан юксакроқдир. Шон-шухрат, хурмат-этибор, нишон, унвон ва ҳоказолар истеъдодли одамлар учун қопқондир. Расмий андоза, тартиб-қоидаларга бўйсунмасдан ўз салоҳиятини (жумладан, шахмат билан боғлиқ нодир истеъдодли ҳам) намоеён этишнинг имкони йўқ. Ижоддаги нодир истеъдодга ҳамиша мукофот ва унвонлар йўлдошдир. Қобилиятнинг оммавий тасдиғи ижодни ўзига хос андозалаш бўлиб чиқади.

Субъектив нуқтаи назардан одамлар мукофот ва унвонларни ўз ижодлари туфайли олаётгандек бўлиб туюлади. Холисона қараганда эса бунинг аксидир: одамлар мавжуд қоидаларга бўйсуниб, мавжуд унвонларни оладилар. Унвон унинг соҳибига мажбурият юклайди дейишди. Одамлар қўлга киритишга талпинадиган унвон қанчалик юқори ва фахрий бўлса, уларнинг ўзи бу унвонларсиз шунчалик хурматсиздирлар. Унвон, мукофот ва ҳоказоларнинг бу сеҳрли кучи яхшиямки фақат шухратпарастларга таъсир ўткази олади.

Шон-шухратга бепасандликнинг ибратли мисоллари мавжуд. Масалан, инсон эркинлиги муаммосидан қаттиқ изтиробда бўлган Жан-Пол Сартр ўз вақтида унга берилган Нобел мукофотидан воз кечган. У, адолатли равишда, Сартр бўлиш ҳар томонлама камол топган инсонни чеклайдиган, қўлини боғлаб қўядиган бирон-бир мукофот совриндори бўлишдан кўра, улгурок ва яхшироқ деб ҳисоблаганди. Тўғри, Бобби Сартр эмас, боз устига шахматда маҳоратни намойиш этишнинг ўзига хослиги шундайки, зарур расмий қоидаларга риоя қилмасдан шахмат тоғига эришиб бўлмайди. Аммо унинг шахматчи сифатидаги таржимаи ҳоли ижоди билан расмий қоидалар ўртасида зиддият мавжудлигидан далолат беради. Унинг ушбу тартибларга уруш эълон қилиши, шахмат тоғини эгаллашга гайриоддий даъвоси, мусобақа ташкилотчилари билан доимий можаролари

ва ҳоказолар — гарчи ташқаридан беъмаънилик, муросасизлик ва шахсий манфаат кетидан қувиш бўлиб туюлса ҳам, моҳият жиҳатидан ижодий илдишларга бориб тақаларди.

Тўғри, Бобби унвонга норасмий йўл билан эришишдан иборат расмий ички зиддиятли интилишдан ҳеч қачон тўлиқ холи бўлмаган. У, эҳтимол, баъзан Фишер бўлиш жаҳон чемпиони бўлишдан аълоқ деб расмий унвон учун кураш олиб боришдан умуман воз кечиш фикрига берилган бўлиши мумкин. Бироқ ушбу ички ижодий интилиш лаҳзалари фақат расмий йўл унвонга олиб келгани сабабли расмий мусобақалар билан алмашиб турди.

Шу тарзда тож қўлга киритилди. Лекин, биринчидан, у хоҳлагандай қўлга киритилмади. Иккинчидан эса, бу янада муҳим, тож аслида уни қўлга киритиш учун курашишга арзимолидиган нарса эканлиги маълум бўлди. Унвон, моҳият жиҳатидан, бор-йўғи спортда эришилган ютуқ. Бундай ютуққа бошқалар ҳам эришган ва яна кўплар эришади. У Бобби ҳамма вақт даъво қилган ижодий ноёбликни акс эттирмайди. Бошқача айтганда, тожнинг қўлга киритилиши Фишернинг ички муаммосини ҳал этмади ва ҳал этиши мумкин ҳам эмас эди.

Ҳар қандай ижодиёт (жумладан, шахмат ҳам) — энг аввало, шахсий қадрият бўлиб, асло бошқа мақсадга эришиш воситаси эмас. Бирор расмий мукофот билан ижодий ноёбликни инфодалаб бўлмайди. Гап унвоннинг қўлга киритилиши соҳибининг ўйинини кучайтирмаслигида эмас. Ўйин сифати ва унвон аслида умуман турли даражададир. Бобби ушбу тафовутни ҳамма вақт ҳис этарди, ҳозир эса, эҳтимол, ҳар қачонгидан кескинроқ ҳис этарди.

Қанчалик ажаблანарли туюлмасин, бироқ айнан мақсаднинг амалга оширилиши инсонни, айниқса, ўзини бунга тўла бахшида этган инсонни аянчли вазиятга солади. Чунки кўзланган мақсадга эришилганда аслида унга таққослаб бўлмайдиган улканроқ нарсасиз назарда тутилганлиги маълум бўлади. Яқун ниятга қараганда пучроқ чиқади. Муваффақият учун сарфланган беқимс ижодий қудрат чекланган нати-

жа шаклида намоеён бўлади. Бетакрор ва ноёб интилиш, ижодий салоҳиятнинг жозибали ноаниқлиги ва ҳаётбахшлиги шон-шухрат шов-шуву билан сўндирилади. Шон-шухратдан ҳафсаласи пир бўлиб, боши берк кўчага кириб қолган Бобби бугунги кунда ўз-ўзига Мольер қахрамонининг «Сен ўзинг буни хоҳладинг, Жорж Данден!»¹ деган сўзларини такрорлаши мумкин.

Шухрат қозониш қанчалик қийин бўлмасин, унга дош бериш бундан-да мушкул. Бобби ҳозирги вақтда айнан мана шу фарқ гирдобиди.

Шон-шухрат моҳиятан шахснинг кенг эътироф этилишидир, бинобарин, ундан фойдаланиш ҳам эксплуатация қилишдир. Омма, умуман, ўзганинг шухратини ундан қандайдир тарзда фойдаланмасдан эътироф эта олмайди. Ва агар машҳур шахснинг мақсадлари у эришган шухратдан юксакроқ ва узокроқ бўлмаса, бу шон-шухрат тўғридан-тўғри урф бўлган навбатдаги маҳсулот сингари кенг истеъмолга чиқариб юбориллади. Бу шухратнинг муқаррар ва бартаф эътиб бўлмайдиган жиҳатидир. Шу сабабли ҳақиқатан ҳам буюк инсонлар шухратни ўз фаолияти оммавий қийматининг мажбурий ўлғони ҳисоблаб, ундан ўзларини четга тортишган. Бу қармоққа тушиб қолмасдан, шон-шухратнинг жозибали бўҳронини енгиб ўтишган. Лекин улар ўзлари билан бирга олиб кета олмаган улушни хоҳламасалар ҳам қатъият кўрсата олиб оммавий истеъмолга қолдирганлар.

Ҳамма нарса учун тоvon тўлашга тўғри келади. Бобби эса бу ҳақиқатни ўзгалар унгагина тоvon тўлаши керак маъносига ўзлаштириб олгандек туюлади. Бироқ шон-шухрат онлари аслида бунинг аксини англатади: бу шахсий ҳисоб-китоб қилиш эмас, балки омма учун тўлов вақтидир.

Жиддий айтганда, улуг инсон ҳақ тўламайди. Унга инъом этилган ҳаёт неъматлари шон-шухратнинг омма томонидан эксплуатация қилинишига тескарисиб қилинади. Бошқача айтганда, бу унинг ўз истеъдодига бевосита хиёнатини англатади. Шу маънода камтарлик ва саховат даҳони шухратдан боши айланишидан асровчи фариштадир. Шон-шухрат омма томонидан эксплуатация қилиниши деганда мен оммавий истеъмолни бошқарадиган ва омма сути-қаймоғини оладиган шон-шухратнинг махсус ташкилотчилари ва тақсимловчиларининггина эмас, балки умуман оммани, улуг шахс атрофидаги инсонлар ва уни эътироф этадиган муҳитни назарда тутмоқдаман.

Боббининг шухрат ва пулга ўчлиги ҳамда ўзгалар унинг орқасидан кун кўришларига кескин нафрати табиий ва тушунарли туйғуллардир. Тўғри, бу

ҳиссиётларни рўёбга чиқаришга ишонил соддадилликдир. Гарчи, Бобби ўз манфаатларининг тиришқок ҳимоячиси эканлиги ва муваффақиятларини пулга қақишда уddaбурунлигини кўрсата олган бўлса ҳам, унинг даромад топишда устаси фарангларга бас келиши қийин эди. Бироқ гап Бобби ўз шон-шухрати чайқовчилари олаётган фойдани бироз камайтира олишга (ёки, шартли қилиб айтганда, умуман йўқ қилишга) муваффақ бўла олиш-олмаслигида эмас. Охир-оқибатда бу бор-йўғи шон-шухрат соҳасидаги бизнесни малакали юрийтиш масаласи холос. Принципиал масала эса Бобби «шухрат-пул» жинкўчаларида ўз манфаатини ҳимоя қилиб ўз истеъдодига хиёнат қилаётганидир. У ижодиётни мўмай пуллар ҳиди ақиб турган шон-шухрат билан айнанлаштириб юборди. Бобби шухрат сари шу даражада собитқадамлик билан талпиндики, ўзида бунга қарши муҳофаза ҳиссини ҳосил қила олмади. Бундай муҳофазага эга бўлмаган истеъдодли инсон эса аянчли холга тушиб қолади.

Боббининг ҳозирги аҳволи ажаблანарли. Агар у ўзининг орқасидан кун кўришларини истамаса, унинг ўзи шахматдаги салоҳияти орқали бойишдан воз кечиши керак. Шухратини ўзгалар эксплуатация қилишларига барҳам бериш учун унинг ўзи ундан воз кечиши, шон-шухратни роҳат ва хурмат-эътибор манбаи сифатида ҳис этишининг бошқа томонига ўтиши зарур.

Бироқ бу унинг учун болалиқдан хос бўлган шухрат ва бойликка ружу қўйиш тушунчаларидан воз кечиши англатади. Шухрат ва бойлик қудратли рағбат омилдир, улар унга яхшигина ёрдам берган бўлиши мумкин, бироқ улар сохта мақсадлардир.

Бугунги кунда Боббининг ҳафсаласи пир бўлганлиги табиий, чунки пул, иззат-икром ва ҳоказолар, умуман олганда, ихлосмандларига ҳеч қачон ҳаддан ортқ бўлиб кўринмайдиган нарсалар сирасига қиради; аксинча, улар ҳамма вақт етишмайди — чунки табиати шунақа.

Бобби тушиб қолган шон-шухратнинг боши берк кўчасидан уни бу ерга

етақлаб келган куч — буюк шахматчининг ижодий қудрати олиб чиқа олади. Бобби шухрат қозонди, энди шухратнинг ўзини енгиб ўтиш керак. Олдий истеъдод соҳибига ҳам шухратга эришиши мумкин. Бироқ фақат даҳоларгина унинг тушовларидан халос бўла олади. Бу, аслини олганда, киши ўз ижодий қобилияти йўлидан боришини, ўз ишини қилишини — фақат ўзигагина бетакрор тарзда бажара оладиган ишни қилиши кераклигини англатади. Модомки, шон-шухратга ҳаётининг пайтида сазовор бўлган бўлсанг, ҳаётининг қолган қисминини янги ижодинг учун шухрат юқидан халос бўлишга сафарбар этишинг зарур.

Бобби Фишер, албатта, кимнингдир ниманидир кутишига қараб иш тутмаслиги ва уларнинг ҳафсаласи пир бўлганига жавобгар бўлмаслиги керак. Унинг ташвишлари ўзига етади. У ўз шухратини пуфлаб шишириши, шухрат оловида куйиши, мисли кўрилмаган мукофот пули талаб қилиши, иззатталаб бўлиши ёки ҳатто ўз ҳайкали учун маблағ йиғишни ташкил этиши мумкин. У шахматда эришган муваффақиятлар — ноёб, бетакрор ва, таъбир жоиз бўлса, улардан тарих иси келади. Бироқ ушбу тарихийликнинг ҳиссиз совуғига мафтун бўлиш айнан муваффақият ва шон-шухратга ўралашиб қолиб, ҳисли ижодий фаоллик оловини ҳамда янгилликка интилишни сўндириш, оҳиста ўтишига чекиннишни англатади.

Узоқ давом этган узил-кесил галабалардан кейин Боббининг ҳозирги танаффуси ҳаддан ташқари туюлмайди. Олдинги мақсадларнинг ижобати уларни қайта идрок этиши ва янги мўлжаллар излашни талаб қилади. Акс ҳолда борадиган жойнинг ўзи йўқ. Бундан ташқари, Бобби тушиб қолган вазиятнинг ўзига хос қийинчиликлари бор. Агар мен унинг руҳий ҳолатини тўғри тушунган бўлсам, Бобби Фишер ўз ҳаётининг энг мушкул партияни ўйнамоқда. Ундаги ижодий салоҳият эришилган ютуқларга, истеъдод шон-шухратга, ўйин назми шараф насрига, ҳаёт ўтмишга қарши курашмоқда. Бу нима билан тугамасин, мазкур ҳол ўта ибратлидир.

1973 йил июн

А.САИДОВ Шахмат даҳосининг ўйинлари

Хурматли ўқувчи! Мана сиз академик В.Нерсисянцнинг ҳеч қачон ва ҳеч қаерда эълон қилинмаган, унинг илмий қизиқишларининг асосий соҳаси — ҳуқуқ фалсафаси билан боғлиқ бўлмаган мақоласи билан танишдингиз. Мен В.Нерсисянцнинг мақоласини қайта-қайта муролаа қилар эканман, Владик Сумбатович Фишернинг шахмат лабораториясини, унинг ижодий услубини нақадар чуқур билганлигига амин бўлдим. Муаллиф гоёқ истеъдодли шахматчи боланинг тадрижий раванжини, Фишернинг шахмат (нафақат ундаги) курашига муккасидан кетганини, унинг кучли ва ожиз томонларини кўрсатиб беради. Моҳиятан ушбу мақола буюк шахматчининг руҳий-ижодий сиймосини чуқур очиб беришга йўналтирилган илк урнинишдир.

Мақола ёзилган давр ҳақида бир оғиз сўз. XX асрнинг 60 — 70-йилларида Фишер ёки аниқроқ айтганда, «Фишер муаммоси» ҳамма-нинг эътиборини жалб этган эди. Унинг номи барчанинг оғзида эди. Фишернинг ютуқлари нуфузли мутахассислар томонидан шарҳланарди, бунда кўпинча фикрлар бир-бирига зид бўлар эди. У шахмат олимпичи чўққисини забт этганидан кейин йигирма йилча йўқолиб кетди, сўнгра қўтилмаганда пайдо бўлиб², ўз таъбири билан айтганда, Спаский билан «XX асрнинг реванш ўйини»ни ўтказди ҳамда Грета Гарбо ва Жером Салинжер сингари «Америка юлдузлари»нинг «узлатга чекин» рекордини такрорлади³. Шон-шухратнинг ақл бовар қилмайдиган чўққисидан ўзини умрбод зиндонбанд қилиш гирдобига ташлаган бундай одамлар ҳамма вақт жамоатчиликни ҳаяжонлантириб келади.

(Давоми келгуси сонда)

¹ «Сен ўзинг буни хоҳладинг, Жорж Данден!» («Tula voulu, Gerge Dandin, Tula voulu!») — машҳур француз ёзувчиси Мольер (1622-1673)нинг «Жорж Данден» (1668) асаридagi ҳикматли сўзга айланган ушбу ибора «Бахтсизликни ўз бошинга ўзинг олиб келдинг» деган маънода қўлланади (А.Саидовнинг изоҳи).

² Фишернинг 1992 йилда қайтишига ҳам жўшқин, ҳам ҳазиломуз ва ҳатто афсунгарона муносабат билдирилган. Масалан, Швеция газеталаридан бири уша пайтлар қуйидагиларни ёзган эди: «Фишер... У қиролми ёки мажнун? Даҳоми ёки эсдан оққанми? Бу Шекспир, Брехт, Феллини — қалб билан жамият ўртасидаги фожиали айриликни ҳис этадиганларнинг барчаси учун мавзу». Лондоннинг «Дейли телеграф» газетаси завқ-шаққ билан қуйидагиларни қайд этган эди: «Тасаввур қилингки, сиз Шуберт «Тугалланмаган симфония»нинг финалини ёки Бетховен 20-симфониясини тингламоқдасиз ёки Венера Милосскаянинг мафтункор, мўъжизали равишда пайдо бўлган қўлини қўриб турибсиз. Фишернинг қайтиши шахматчиларда мана шундай туйғулари уйғотди». Ҳақиқатан ҳам, 1992 йил кузида Фишер шахматга қайтган, аввалги қудратини намойиш этадигандек бўлиб туюлган (аслида шундай бўлишига ишонингиз келарди). Афсуски... у яна ихтиёрий ва «абдий» узлатга қайтди.

³ Грета Гарбо (бу унинг тахаллуси, ҳақиқий исми — Грета Луиза Густафсон, 1905-1990) — XX аср биринчи ярмидаги буюк америкалик ва шведиялик киноактёр. 1941 йилда шухрат чўққисидан бўлган вақтида кинони тарк этиб, умрининг охиригача узлатда яшаган.

Жером Дэвид Салинжер (1919 йилда туғилган) — Американинг таниқли адиби, дзен-буддизм ва Л.Толстойнинг насроний мистицизми синтези ғоясининг даъватчиси. 1965 йилдан кейин «дунё лаззатларидан» узоқлашган ва асарларини нашр этишни тўхтатган. У фақат ўзи учун ижод қилган ва интервьюлар беришдан бош тортган.

Белбоғли кураш

Умидимиз катта

Шу кунларда Того Республикасининг Ломе шаҳрида белбоғли кураш бўйича еттинчи жаҳон чемпионати давом этмоқда.

Эркин ва классик йўналишда ўтаётган мусобақада Шавкат Мирзакулов мураббийлигидаги терма жамоамиз ҳам медаллар

учун курашмоқда.

Таркибида жаҳон чемпионлари Зоҳид Ортиқов, Рустам Умаров, жаҳон чемпионати совриндорлари Искандар Маҳаматов, Нуриддин Маҳаматов, Шухрат Бозоров, Ўғилой Латипова, Саҳобат Шералиева, Ўзбекистон чемпионлари, қатор халқаро турнирларда ғолиб чиққан Жамолиддин Бозоров, Муҳиддин Ашуров, Жаҳонгир Абдулҳаев каби моҳир курашчиларнинг борлиги жамоамизнинг «қора қитъа»дан яхши натижалар билан қайтишига умид уйғотади.

Сафар олдида Ўзбекистон белбоғли кураш федерацияси президенти Рустам Исоқов спортчиларнинг тайёргарлиги юқори босқичга етганлиги, терма жамоа мураббийлари ўтган йилги жаҳон чемпионатидан керакли хулосалар чиқарган ҳолда спортчилар маҳоратини оширганлигини таъкидлаб ўтди. Эслатиб ўтамиз, 2007 йил Россиянинг Уфа шаҳрида ташкил этилган жаҳон чемпионатида бир олтин, тўрт кумуш ва еттита бронза медаллари қўлга киритилганди.

Миллий кураш

Хабар берганимиздек, Туркиянинг Истамбул шаҳрида кураш бўйича ёшлар ўртасида бешинчи жаҳон чемпионати ташкил этилди.

Жаҳон чемпионатидан зафар билан

Дунёнинг 60 яқин давлатлари полвонлари иштирокида ўтган нуфузли мусобақадан Мурод Дўсимбетов мураббийлигидаги Ўзбекистон ёшлар терма жамоаси юртимизга улкан ғалабалар билан қайтди.

73 кг. вазн тоифасида Яҳё Имомов, 81 кг.да Баҳодир Фаниев, 100 кг.да Ширин Шарипов барча рақибларини енгган бўлса, +100 кг вазнда гиламга чиққан Болтабой Болтаев ҳамда мутлоқ вазндаги вакилимиз Бектош Сафаров кумуш медалга эришдилар.

Қизларимиз иштироки ҳам ёмон бўлмади. Шоҳида Назарова (52 кг.) ва Умида Матёқубова (63 кг.) қатор ғалабалари эвазига бронза медали соҳиби бўлди.

Шундай қилиб, эрақлар терма жамоамиз жаҳон чемпионатининг энг кучли жамоаси, дея эътироф қилинди.



Мураббий нигоҳи

Вилоятларга сафар уюштириб истеъдодли ёшларни излаётган миллий терма жамоамиз бош мураббийи Миржалол Қосимов бўлажак рақибларни ўрганишни ҳам назардан қочираётгани йўқ. Айнан шу мақсадда у бугун Тошкент-Шаржа йўналиши бўйича Бирлашган Араб Амирликларига учиб кетди. Мураббий сафар давомида ЖЧ-2010 йўлланмаси учун кураш олиб бораётган БАА - Эрон терма жамоалари ўйинини бевоСИТА кузатишни режалаштирган. Сафар олдида мухбирлар Миржалол Қосимовдан интервью олишди.



Терма жамоа ёшарадимми?..

— 19 ноябр куни ЖЧ-2010 саралаш гуруҳидаги рақибларимиз ўзаро учрашди. Ўзбекистон миллий терма жамоаси бу турда дам олганлиги учун сизнинг Баҳрайн - Австралия терма жамоалари учрашувини кузатишингизни тахмин қилган эдик. Чунки Баҳрайн - навбатдаги рақибимиз. Лекин сиз бошқа гуруҳдаги жамоалар ўйинини танладингиз. Бунинг сабаби нимада?

— Маълумки, 2009 йил миллий терма жамоамиз ҳам ЖЧ-2010, ҳам Осиё-2011 йўлланмалари учун кураш олиб боради. Келгуси йилги биринчи расмий учрашувимиз айнан Осиё-2011 саралаш баҳси бўлиб, бу доирада 28 январ куни БААда меҳмон бўламиз. ЖЧ-2010 саралашдаги навбатдаги рақибимиз Баҳрайн билан эса 11 феврал куни куч синашамиз. Шу боис ҳам БАА термаси ўз уйида қандай ўйнайди, деган саволга жавоб топиш ҳозир менга муҳимроқ. Бу танловнинг яна бир керакли жиҳати бор. Борди-ю, ЖЧ-2010 саралаш баҳсида биз ўз гуруҳимизда 3-ўринни эгалласак, у ҳолда "В" гуруҳидаги учинчи жамоа билан "плей-офф"да дуч келамиз ва у жамоа Эрон ёки БАА термаларидан бири бўлиши ҳам мумкин.

— Келгуси йил икки фронтда кураш олиб бориш жамоамизга қийинчилик туғдирмайдими?

— Бу ОФКнинг қарори ва ҳозир уни муҳокама қилмоқчи эмасман. Агар Осиё-2007да ярим финалга чиқа олганимизда ҳозир Осиё-2011 йўлланмасини автоматик тарзда қўлга киритган Саудия Арабистони, Япония ва Жанубий Корея термалари сингари эътиборимизни фақат жаҳон чемпионати саралаш баҳсларига қаратган бўлардик. Лекин футболда "агар" сўзи ҳеч қандай кучга эга эмас. Шу боисдан ҳам биздан ташқари Австралия, Баҳрайн, БАА, Эрон ва КХДР терма жамоалари иккита фронтда кураш олиб боришларига тўғри келади.

— Ёшлар ўртасида қитъа чемпионати ҳам ниҳоясига етди. Ўзингиз учун янги номлар кашф қилдингизми?

— Албатта. Уларнинг аксарияти ўз

клубларида захира ўринидаги қолиб кетаётганлиги сабабли имкониятларини яхши билмас эдим. Қитъа чемпионати ким аслида кимлигини кўрсатиб берди. Мусобақа якунига кўра, менинг ён дафтарчада бир неча ёшларнинг номлари қайд этилди. Лекин улар ичидан қай бирини миллий жамоага таклиф қилиш Аҳмад ака Убайдуллаев билан суҳбатдан сўнг маълум бўлади. Айтиш лозимки, ёшларнинг муваффақияти мени икки томонлама қувонтирди. Биринчидан, юртдошларим қитъа чемпионатининг финалигача етиб келиб, мамлакатимиз обрўсини дунёга ёйган бўлсалар, иккинчидан, уларнинг жаҳон чемпионати финалига йўл олганларидан миллий терма жамоа мураббийи сифатида бошим осмонга етди. Энди улар ўз клубларида захирада қолиб кетаяпти, деган хавотир бўлмайди. Сабаби, келаси йил Мисрда ўтказиладиган жаҳон чемпионати муносиб тайёргарлик кўриш учун кўплаб йиғинлар ўтказилади, халқаро турнирлар ва ўртоқлик учрашувлари ташкил этилади. Демак, бу терма жамоа йўқ бўлиб кетмайди. Аввал жаҳон чемпионатида иштирок этади, сўнгра шу жамоа негизда Олимпия терма жамоаси тузилади. Бу ўз ўзидан миллий терма жамоанинг келажигини ҳам белгилаб беради.

— Энди миллий терма жамоамиз режалари хусусида ҳам тўхталиб ўтсангиз...

— Декабрнинг иккинчи ярмида дастлабки йиғинни ўтказишни режалаштирганмиз. Футболчиларимиз кўпроқ дам олишлари туфайли чемпионатнинг сўнги икки турини олдинга суриш ҳақидаги илтимосимизни Професионал футбол лигаси раҳбарлари қондиришди. Сўнги тур 23 ноябрда ўтказилишини инobatга олсак, терма жамоа аъзолари декабрнинг ярмигача уч ҳафта дам олишади. Сўнг икки ҳафталик йиғин. Уни қаерда ташкил этишни ЎФФ мутасаддилари ҳал этишяпти. Бу йиғинга кўпроқ ёшларни жалб этамиз. Келаси йилги мусобақалар қанчалик жиддий бўлмасин, биз баҳсларга янгиланган ва ёшартирилган миллий терма жамоа билан киришамиз!

Эшитдингизми?..

Шацкихнинг бутсиси

Киевда Adidas компанияси «Динамо» клуби футболчилари учун махсус ишлаб чиқарилган AdiPURE, F50 TUNIT ва Predator PowerSwerve моделидаги бутсилари тақдимот маросимини ўтказди. Adidas томонидан тақдим этилган бутсиларни «Динамо»нинг кўзга кўринган футболчилари — Александр Алиев, Флорин Чернат ва Максим Шацкихлар намойиш этишди. Маросим Adidas Sport Performancenинг

янги дўконига ўтди. Тақдимот маросими якунланганидан сўнг «Динамо»нинг ўзбекистонлик ҳужумчиси Максим Шацких ўз фикрларини қуйидагича изҳор қилди:

— Ўйин услубимга Predator PowerSwerve бутсилари кўпроқ мос келади. Уларни биринчи марта кийиб кўрганимдаёқ айнан менга атаб тайёрланганлигини ҳис қилдим ва қидираётган бутсим эканлигини тушуниб етдим. Бу оёқ кийими жуда ҳам енгил бўлиб, юмшоқ чармдан ишланган. Бу эса кучли ва аниқ зарба беришга имкон беради. Бу бутсиларда мана, икки йилдири, ўйнаб келяпман ва ҳозирча бирор нарсани ўзгартирмоқчи эмасман. Бутси тилчасида фамилиям ва рақамим ёзилган. Шунингдек, бутсимга Ўзбекистон байроғи тасвири туширилган.



17 ноябр куни «Бунёдкор» сафидаги энг ёрқин юлдуз футболчи — бразилиялик ярим ҳимоячи Ривалдо клуб билан ўз шартномасини 2011 йилнинг декабр ойигача узайтирди.

Шартнома узайтирилди

Аслида Ривалдо ва «Бунёдкор» ўртасида шартнома 28 август куни бир йилга мўлжалланган битим кўринишида имзоланганди. У ҳозиргача 15 та учрашувда майдонга тушиб, рақиблар дарвозасига 9 та гол киритишга муваффақ бўлди.

— Ўзбек футболли ривожига ўз ҳиссамни қўшишни хоҳлайман, — дейди янги шартнома юзасидан Ривалдо. — Ўзбекистонда катта из қолдириш ис-тагидаман. Менга бу ердаги барча шароитлар маъқул келмоқда ва шу боис бундай гўзал ўлкада яна бир неча йил қолишга аҳд қилдим.



Галлиани инкор этди

Милан вице-президенти Адриано Галлиани Испаниянинг Марса шаҳрида пайдо бўлган, «Милан» ҳужумчиси Андрей Шевченко қишда ижара асосида «Реал»га ўтади, деган маълумотни инкор этди.

— Шевченко «Милан»ни тарк этмайди. У сотилмайди ва бизнинг жамоа сафида тўп суради.



Коса тагида нимкоса

AFP агентлигининг хабар беришича, Италиянинг «Alitalia» авиакомпанияси учувчилар иш ташлаганлиги муносабати билан ноябр ойининг охиригача режадаги 600 та рейснинг 100 тасини бекор қилади.

Компания Италиянинг «Italian Air Company» (CAI) инвестиция гуруҳига қўшиб олиншидан хабар топганидан сўнг учувчилар касаба уюшмаси 10 ноябрдан иш ташлади. Улар норози бўлган жиҳат шуки, келишув натижасида 3250 та иш ўрни қисқартирилади, қолганларнинг эса иш ҳақи камайирилади.

Иш ташлаш оқибатида компания 10 мингга яқин йўловчининг меҳмонхона харажатларини тўлашга мажбур бўлиб, 20 млн. евро зарар кўрди.

Касаба уюшма вакиллари эса «Alitalia» харажатларни камайириш учун иш ташлашни баҳона қилиб, рейсларни бекор қилаяпти деган фикрда.

Қайд этиш жоизки, 6 йилдан бери фойда кўрмай ишлаётган компания 2008 йили банкротлик ёқасига келиб қолди. Ҳозир унинг умумий қарзи 1,2 млрд. еврога ташкил қилади.



Панамада ер қимирлади

Кеча Гринвич бўйича соат 01¹¹ да Панаманинг Тинч океани қирғоқлари яқинида 6,2 балл билан ер силкинди. Зилзила маркази 125 минг киши яшайдиган Давид шаҳридан 57 км. ғарбда, 48,2 км. ер остида бўлган.

Шу йил 24 январда ҳам ушбу минтақада 6,1 балли ер силкиниши қайд этилган эди. Жабрланганлар ҳақида ҳозирча маълумот йўқ.



Ваколат муддати узайтирилади

«Интерфакс» агентлигининг хабарига қараганда, Россия Давлат думаси иккинчи ўқишда 351 овоз билан мамлакат Конституциясига ўзгартиш киритди. 57 депутат қарши овоз берди.

Президент Дмитрий Медведевнинг таклифига кўра, киритилган ўзгартиш бўйича Россия президентининг ваколати 4 йилдан 6 йилга, Давлат думаси депутатлариники 4 йилдан 5 йилга узайтирилади.

Ўзгартишлар узил-кесил маъқулланса, навбатдаги президент ва парламент сайловидан бошлаб жорий этилади.

Бундан ташқари, Давлат думаси парламентнинг федерал ҳукумат устидан назорат ваколатига тааллуқли ўзгартишни ҳам қабул қилди. Унга кўра депутатлар ҳар йили ҳукуматнинг ўз фаолияти ҳақидаги ҳисоботини тинглайдилар.

21 ноябр куни қонун лойиҳаси учинчи ўқишда кўриб чиқилади. Ушбу тузатишларни Давлат думаси ва Федерация кенгаши қабул қилганидан сўнг улар федерация субъектлари қонунчилик кенгашиларининг камида учдан икки қисми томонидан маъқулланиши керак.



1 цент қарз учун 48 доллар жарима

Массачусетс штати Эттлборо шаҳрида яшовчи 74 ёшли кўзи ожиз аёлнинг давлат олдидаги бир центлик қарзи тўланди. Associated Press ахборот агентлигининг хабар беришича 18 ноябрдан буён шаҳар муниципалитетига Эйлин Уилбурнинг бир центлик қарзини тўлаш истагини билдириб минглаб фуқаролар кўнғироқ қилган.


Эслатиб ўтамиз, Уилбур хоним сув таъминотидан қарздор бўлган. Бунинг учун унга 48 АҚШ доллари миқдорида жарима ва мол-мулкни мусодара қилиш жазо чораси қўлланилиши мумкин эди.

Унинг қарзини тўлаган шаҳар кенгашининг собиқ аъзоси Антонио Вивейроснинг айтишича, ҳукумат иқтисодиётни сақлаб қолиш учун миллиардлаб маблағ сарфлаётган бир пайтда кекса, бунинг устига кўзи ожиз аёлдан бир цент тўлашни талаб қилиш мантиқсизликдир.

Қароқчилар кемаси чўктирилди

18 ноябр куни кечқурун ҳиндларнинг «Табар» соқчи кемаси Адан кўрфазида тезюар моторли қайиқлар кузатувида кетаётган қароқчилар кемасини чўктириб юборди. Бу Ҳиндистон ҳарбий денгиз кучларининг кўрфаздаги иккинчи муваффақиятли операциясидир. 11 ноябр куни «Табар» ҳинд савдо кемасини қароқчиларнинг ҳужумидан қутқариб қолган эди.

Ҳиндистон октябр ойининг охирида Сомали қирғоқларига ўз ҳарбий кемаларини жўнатишга қарор қилган. Бу шу билан изоҳланадики, қароқчилар қўлга олган турли мамлакатлар кемалари экипажи орасида ҳиндлар кўпчилигини ташкил этади.



Поляклар энг соғлом халқ... экан

Буюкбританиядаги Лестер шаҳри университети ўтказган тадқиқотдан аён бўлишича, Марказий Европадаги энг соғлом одамлар Полшада яшар экан. Словаклар ва чехлар поляклардан узокроқ яшаса-да, полшаликларнинг соғлиги мустаҳкамроқ бўлиб чиқди.


Тадқиқот натижасига кўра, 50 яшар поляк яна ўртача 29 йил яшаши мумкин, шундан 18,5 йилини одетк ўтказади. Поляк аёлларида бу кўрсаткич 31 ва 20 йилга тенг. «РИА-Новости» таққослаш учун эстонияликларни мисол келтирган. 50 яшар эстон яна 23 йил яшаб, атиги 9 йилни саломатлигидан шикоят қилмай ўтказади.

Шундай бўлса-да, полшаликларнинг бу борадаги кўрсаткичлари Ғарбий Европа аҳолисиникидан паст. Дейлик, 50 ёшли даниялик 82 ёшгача яшаб, қолган умрининг 23 йилини дард билмай ўтказади.

Мутахассисларнинг фикрига кўра, бунинг сабаби иқтисодда: тирикчилик ташвишига ўралашиб қолган одамлар ўз соғлиғига етарли даражада эътибор беришмайди.



Интернет хабарлари асосида Ҳасан НИШОНОВ тайёрлади



«Обуна-2009»

Вақтдан ютишининг энг қулай усули

Касаба уюшмаларининг нашри бўлган «Ishonch» газетасини ўқиб, унда берилаётган мақола ва хабарлардан тажрибамизни бойитиб келаяпмиз. Чунки уларда меҳнатқашларни ижтимоий-иқтисодий жиҳатдан ҳимоя қилиш борасида касаба уюшмалари олиб бораётган ибратли ишлар кенг ёритилади.

Хуқуқий маслаҳатлар, саволларга жавоблар нафақат касаба уюшмалари ходимлари, балки меҳнат аҳлининг ҳам хуқуқий маданиятини юксалтиришга хизмат қилаётгани айни ҳақиқат.

Деҳқончасига айтганда, баҳорнинг бир куни қишнинг юз кунини боқади. Ҳозир газета обунаси қизғин паллага кирган. Бир кун эмас, бир соат вақт ажратиб, обунани расмийлаштириб қўйсақ, газетани йил бўйи ўқиш имконига эга бўламиз.

Буни яхши англаган тармоқ касаба уюшмаси туман ва шаҳар кенгашлари ҳамда бошланғич ташкилотларимиз 67

нусахага обуна бўлишди. Бунда Сирдарё туман кенгаши раиси Акбарали Юсупалиев, Гулистон туман кенгаши раиси Яхшибой Ғойибназаров, Сайхунобод туман кенгаши раиси Эргашали Акибоев, Оқолтин туман кенгаши раиси Меҳринос Аҳмедова жонбозлик кўрсатишди.

Бундан ташқари, бошланғич касаба уюшма ташкилотларининг етакчилари — «Пахтабанк»нинг Сирдарё вилояти филиали касаба уюшма қўмитаси раиси Насиба Жумабоева, вилоят муҳофаа ишлари бошқармаси касаба уюшма қўмитаси раиси Матлуба Зенованинг хизматини алоҳида эътироф этишни истардим.

«Ishonch»га обуна давом этмоқда.

Алишер ТОЖИЕВ,
Давлат муассасалари ва жамоат хизмати ходимлари касаба уюшмаси Марказий кенгашининг Сирдарё вилояти бўйича вакили



Сув келтирган азиздир, Элда, шуни билиб қўй. Эрта туриб челақни Сувга лиқ тўлдириб қўй.

Биламан, бу осонмас, Саҳар туриш ёқмайди. Дангасага ҳеч маҳал, Иқбол кулиб боқмайди.

Зафар КОМИЛОВ,
Бахт шаҳри

Чўмилай десам онам, Сув келтир деб буюрди. Қор, ёмғир ёғмай тезда Чўмилтириб улгурди.

Ташиб роса чарчадим, Уйимнинг ахлатини. Тоза тутай энди мен, Кўрай деб роҳатини.

Асадулла МИРЗААКБАРОВ,
«Ҳамкорбанк» ОАТБ бирлашган касаба уюшмалари қўмитаси раиси

Бугун кайфият чатоқ, Кўнгилга қил сизмайди. Сут ичмасам агарда, Куним сира ўтмайди.

Азизбек НОРОВ,
Қарши шаҳри



Энди навбатдаги суратга изох топинг-чи?

«ISHONCH» — СИЗНИНГ ДЎСТИНГИЗ

- Агар мамлакатимизда амалга оширилаётган кенг кўламли бунёдкорлик ишлари, меҳнатқашлар манфаатларини ҳимоя қилиш борасидаги долзарб мақолалар, машҳурлар ва эл назаридаги юртдошларимиздан эксклюзив интервьюлар, инсон руҳияти инъикоси бўлган асарлар ва бугуннинг нафаси уфуриб турган янгилликлардан энг биринчи бохабар бўлай десангиз...



...«ISHONCH» билан дўстлашинг!

Мабодо уни газета пештахталаридан топа олмасангиз...

...«ISHONCH»га ОБУНА бўлинг!

Шунда у кунора эшигингизни ўзи тақиллатиб боради.

«Ishonch» йил давомида сизнинг энг яқин ҳамкорингиз ва маслаҳатчингиз бўлиб қолади!



(24-30 ноябр)

КУЙ Ишингизда янги гоёлар пайдо бўлади. Дам олиш кунларини оила даврасида ўтказсангиз янада мазмунли бўлади. Айниқса, бадантарбия ва спорт билан шуғулланинг. Соғлигингизга эътибор беринг. Фарзандларингизнинг кўшимча курсларга қатнашида имконият пайдо бўлади.

БУЗОК Ўз мақсадингизни амалга ошириш учун янги гоёлар тугилади. Бажариладиган ишларни режалаштириб олсангиз янада яхши. Режадан ташқари қилинган сарф-харажатлар ҳам ижобий натижа беради. Турмуш ўртоғингизни кўпроқ тушунишга ҳаракат қилинг.

ЭҒИЗАКЛАР Илм олиш учун ҳафта жуда қулай келади. Ҳамкорларингиз билан алоқаларингиз осудалик ва ўзаро ҳамжиҳатликда бўлади. Гина-аразларни унуттиш вақти келди. Фарзандларингиз тарбиясига эътибор беринг.

ҚИСҚИЧБАКА Хизмат пиллапояларидан кўтариласиз. Меҳнат қилишингиз маблағингиз ошишига олиб келади. Янги дўстлар билан танишасиз. Спорт билан шуғулланинг. Оила аъзоларингизга меҳрибон ва эътиборли бўлинг.

АРСЛОН Романтик учрашувлар, танишувлар учун ҳафта жуда қулай келади. Яқинларингиз билан алоқаларингиз мустаҳкамланади. Оила аъзоларингиз соғлиги ҳақида қайғуринг. Ҳамкорлар билан олиб борилган тадбиркорлик натижасида катта маблағни қўлга киритасиз.

ПАРИЗОД Соғлиқ бу ҳафта, асосан, эътиборингизни жалб этади. Шифокорингиз маслаҳатига риоя қилсангиз, касалликни бартараф эта оласиз. Жамоодошлар билан мулоқот, теварақ-атрофдагилар билан муносабат сизга куч-гайрат бағишлайди.

ТАРОЗИ Интеллектуал ижод билан шуғулланиш вақти келди. Адабиётга ва поэзияга қизиқшингиз борлиги намойён бўлади. Бадий адабиётга қизиқшингиз ортади. Ҳафта интеллектуал беллашувларда ва викториналарда қатнашиш учун қулай келади.

ЧАЕН Қутилаётган янги иш ҳафтасида зиддиятли вазиятларга тушиб қолишдан ўзингизни асранг. Асосий эътиборингизни иш унумдорлигини оширишга қаратинг. Дам олиш кунларини оилангиз бағрида ўтказишга ҳаракат қилинг. Фарзандларингизни совғалар билан сийланг.

УКОТАР Қутилмаган янгилликлардан воқиф бўласиз. Кайфиятингизни кўтариш учун сартарошхонага борасиз, кўнглингизга ёққан анчадан бери орзу қилиб юрган буюмларни харид қиласиз ва бу имиджингизни ўзгартиришга ёрдам беради.

ТОҒ-ЭЧКИСИ Бирор ишга киришдан аввал хотиржамлик ва донолик муҳим эканини унутманг. Юмушлар кўп бўлишига қарамай дам олишга ҳам вақт ажратинг. Акс ҳолда тезда толиқиб қолишингиз мумкин. Бу эса соғлигингизга салбий таъсир қилади.

КОВГА Атрофингиздагилар билан мулоқотда ўз феъл-атворингизга эътибор беринг. Ишингизда масъулиятли бўлинг, бу эса қутилган натоққа эришингизда қўл келади. Яқинларингиз ва оила аъзоларингиз билан сузлашишда зиддиятларнинг келиб чиқишига йўл қўйманг.

БАЛИК Янги дўстлар орттирасиз. Кредит, сугурта, ўзгалар маблағи билан боғлиқ муаммолар осон ечилади. Мерос масаласи сиз томонга ҳал бўлади. Катта мерос эгаси бўласиз.

Газетанинг навбатдаги сони 25 ноябр, сешанба кўни чиқади.

Ishonch МУАССИС: Ўзбекистон касаба уюшмалари Федерацияси	Бош муҳаррир Абдуҳолик АБДУРАЗЗОҚОВ	Бизга кўнгиноқ қилинг: Котибият: 256-52-78 Хатлар бўлими: 256-85-43	Бизнинг манзил: 100165, Тошкент шаҳри, «Бухоро» кўчаси, 24-уй. Нашр кўрсаткичи: 133; 134	Газета ҳафтанинг сешанба, пайшанба ва шанба кунлари чиқади.	Навбатчи котиб - Ж.Шарофбоев Навбатчи - А.Абдуллаев Мусаҳҳих - Н.Маҳамов
	Таҳрир ҳайъати: Алла Доженкова, Анвар Юнусов, Довуд Мадиев (Бош муҳаррир ўринбосари), Жаҳонгир Шарофбоев (масъул котиб), Мазмура Адилова, Мирзоҳид Содиқов, Нормамат Аллаев, Носирхон Акбаров, Ойсулуу Нафасова, Паринқул Қодиров, Соғиндиқ Ниетуллаев, Шамси Эсонбоев	Ўзбекистон Матбуот ва ахборот агентлигида 0116-рақам билан рўйхатга олинган. IBM компьютерида терилди ва сақдаланди. Офсет усулида босилди. Бичими А-3. Ҳажми 4 босма табоқ.	«Шарқ» нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси босмахонасида чоп этилди. Корхона манзили: «Буюк Турон» кўчаси, 41-уй.	Муаллифлар фикри таҳририят нуктаи назаридан фарқланиши мумкин. Нашримиздан кўчириб босилганда «Ishonch»дан олинганлиги кўрсатилиши шарт. Тижорат аҳамиятига молик материаллар ① белгиси остида чоп этилади.	Саҳифаловчи-дизайнер: Х.Абдужалилов
		E-mail: ishonch-doverie@mail.ru		Буюртма Ғ— 1014 Тиражи: 9946	Босишга топшириш вақти - 21.00 Топширилди - 20.40
				Сотувда эркин нархда	1 2 5